

**O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O`RTA MAXSUS  
TA`LIM VAZIRLIGI  
AJINYOZ NOMIDAGI NUKUS DAVLAT PEDAGOGIKA  
INSTITUTI**

*Qo`l yozma huquqida*

**Atadjanov Hamdamning**

**I.A.Karimovning «XXI asr bo`sig`asida: xavfsizlikka tahdid,  
barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari» haqida nazariy  
ko`rsatmalarining amalga oshirishining ma`naviy ahamiyati**

5A111601 – Ijimoiy-gumanitar fanlarni o`qitish metodikasi  
(ma`naviyat asoslari)

Magistr

akademik darajasini olish uchun yozilgan  
dissertatsiya

Ilmiy rahbar:

f.f.d., akademik Bazarbaev J.

**NUKUS 2018**

**И.А.Каримовнинг «XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» ҳақида назарий кўрсатмаларининг амалга ошишининг маънавий аҳамияти**

**Режа**

Кириш

I-боб: Глобаллашув шароитида мафкуравий жараёнларнинг намоён бўлиш хусусиятлари

1.1. XX асрдаги айрим зарарли фалсафий оқимлардан кўзланган маънавий- мафкуравий мақсадлар

1.2. Мафкуравий майдон-мафкуравий кураш макони

II-боб: Ҳозирги даврда ўзбек халқининг ҳаётига хавф салаётган маънавий-мафкуравий тақдидлар

2.1. Биз яшаётган давр хусусиятлари

2.2. Минтақавий можаролар

2.3. Диний экстремизм ва фундаментализм

2.4. Буюк давлатчилик ва агрессив миллатчилик

2.5. Этник ва миллатлараро зиддиятлар.

2.6. Коррупция ва жинойтчилик

2.7. Экологик муаммолар.

III-боб: И.А.Каримовнинг барқарорлик шартлари ҳақида назарий кўрсатмалари

3.1. Маънавий қадриятларнинг тикланиши

3.2. Демократик институтларни ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш.

IV-боб: Глобаллашув жараёнида ғоявий-мафкуравий хавфсизликни таъминлашнинг объектив зарурлиги

4.1. Хавфсизлик – объектив ижтимоий феномен

4.2. Миллий хавфсизлик ва унинг таркиби тузилиши

4.3. Мафкуравий хавфсизлик ва уни таъминлаш механизмлари

4.4. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш – мамлакат мустақиллиги ва давлат суверенитетини мустаҳкамлаш воситаси

4.5. Мафкуравий иммунитет, уни шакллантиришнинг усул ва воситалари

Хулоса

**Foydalanilgan adabiyotlar**

## Кириш

Таҳдид тушунчаси. «Таҳдид» арабча «дўқ» қилиш, қўрқитиш», деган сўздан олинган бўлиб, кундалик ҳаётда «бировни қўрқитиш, унга дўқ, пўписақилиш ҳамда бирор фалокатнинг, қўрқиничли воқеанинг содир бўлиш хавфи» деган маъноларни англатиш учун ишлатилади. Фалсафий маънода «Таҳдид – инсон, жамият ва давлат ҳаёти ҳамда фаолиятига нисбатан муайян давр мобайнида аниқ мақсадга йўналтирилган маҳаллий, ҳудудий, минтақавий ва умумсаёравий салбий омилларнинг тажовузи туайли аниқ макон ва замонда вужудга келадиган хавф-хатар шакли, муайян барқарор сиёси – ижтимоий ва тарихий вазиятни ифодаловчи тушунча» бўлса жамиятнинг ривожланишига таъсири, яъни тор маънода эса таҳдид деб, макон ва замонда мавжуд бўлган реал жамиятнинг ижтимоий тузилмаларини заифлаштиришга, қолаверса, емиришга қаратилган шахсий, маҳаллий, ҳудудий, минтақавий омилларнинг қурқитиш, дўқ пўписа қилишдан иборат бўлган хатти - ҳаракатларига айтилади.

«Таҳдид» тушунчасининг сиёсий – фалсафий моҳиятининг бир қатор қирралари жаҳон олимлари томонидан таҳлил этиб келинмоқда. Зеро, нсониятнинг онгли фаолияти бошланибдики, «таҳдид» ҳам инсоннинг ўзи билан ёнма-ён яшаб, «улғайиб», қудратли кучга айланиб келаяпти. Шунинг учун ҳам бугунги кунда бу тушунчанинг таъсир кучи ва уни жиловлаш билан боғлиқ масалаларни ўрганишга бўлган қизиқиш барча минтақаларда кучайиб борапти. Ўзбекистонда ҳам уни ўрганишга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Бу борада, энг аввало, буюк давлат ва жамоат арбоби И.А.Каримовнинг «XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарининг умумметодологик аҳамиятга эга бўлганини таъкидлаш лозим.

Асарнинг методологик, назарий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, собиқ иттифодош республикалар ўз мустақиллигини қўлга киритганликлари қувончи ва эйфорияси билан яшаётган бир пайтда

И.А.Каримов унга қарши қаратилган таҳдидларнинг юзага келаётганлигидан нафақат Ўзбекистон халқини, шунингдек МДХ халқларининг ҳам огоҳ бўлиши зарурлигини кўрсатиб берган эди. Асарда илгари сурилган ғоялар, хавф-хатар ва таҳдидлар у эълон қилинган 1997 йилдан кейинги ўтган даврда ўзининг тўғри эканлигини тасдиқлаб келмоқда. «Энг мураккаб саволлардан бири шуки, - деб огоҳлантирган И.А.Каримов, - биздаги барқарорлик ва хавфсизлик йўлида таҳдид бўлиб турган муаммоларни англаб етаяпмизми?».

Мустақиллигимизни қўлга киритиш қанчалик мураккаб бўлган бўлса, уни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш унданда мураккаб эканлиги тараққиётимиз жараёнида ўз тасдиғини топиб келмоқда. И.А.Каримов таҳдидларнинг маъно-мазмунини ва бутун мамлакатни ҳалоқатга олиб келувчи катта куч эканлигини кўрсатиб бериш билан бирга, уларнинг шакллари ҳамда намоён бўлиш хусусиятларини ҳам кўрсатган эди.

Хуллас, мазкур фундаментал асар тараққиётимизга қарши қаратилган таҳдидларни ҳар бир тарихий босқичдаги хусусиятлари ва таъсир кучини ўрганишнинг назарий асосини ташкил қилиб келмоқда.

И.А.Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли асарида маънавий – мафкуравий таҳдид тушунчаларига тўхталар экан: «Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашга қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва инфорацион хуружларни назарда тутиш лозим, деб уйлайман.

**I-боб: Глобаллашув шароитида мафкуравий жараёнларнинг  
намоён бўлиш хусусиятлари**

**XX асрдаги айрим зарарли фалсафий оқимлардан кўзланган  
маънавий – мафкуравий мақсадлар**

XX асрдаги ижтимоий – сиёсий ўзгаришлар ҳамда ана шу ўзгаришларнинг ҳосиласи сифатида социализм ва капитализмнинг сиёсий таълимот сифатида шаклланиб ривожланиши натижасида дунёнинг икки қутбга бўлиниши ва бу қутблар ўртасидаги тўхтовсиз ғоявий – сиёсий курашлар муайян мақсадга йўналтирилган турфа зарарли оқимларни ҳам вужудга келтириб, рағбатлантириб турган. Бугунги кунда айрим кимсалар тафаккурдаги салбий жиҳтлар бевосита яқин ўтмишдаги ўша оқимларнинг ғоявий илдизларига бориб тақалади.

Ҳар қандай ғоявий оқимдан кўзланган асосий мақсад инсон тафаккурини забт этиб, уни ўз измига бўйсиндиришдан иборат. Шу сабабли XX аср инсоният тафаккур тараққиётида ижобий аҳамият касб этувчи қарашлар билан бирга умуминсоний тараққиётга зид бўлган бузғунчи ғоялар ҳам тарғиб этилдики, улар башарият вакиллари орасидаги ўзаро умумийликка раҳна солиб, миллий, минтақавий хусусиятлар ва турфа сиёсий қарашлар асосида кишиларни ҳар хил гуруҳларга ажратиб ташлашга интилди.

Либерализм – озод, эркин деган маънони англатади.

Либерализм – ижтимоий – сиёсий таълимот ва ижтимоий ҳаракат бўлиб, шахс ва жамият эркинлиги етарли даражада бўлишини кўзда тутадиган ғоядир. Либерализм Испания Конституциясини (1812 йил) тузиш даврида пайдо бўлган. Европада либерализм инглиз сиёсий иқтисодчилари назариялари билан боғлиқ ҳолда давлатнинг иқтисодий масалаларига ноқонуний аралашмаслигини эътироф этади. Либераллар шахснинг ташаббусини, савдо эркинлигини ва ҳақиқий рақобатни ривожлантиришга ҳаракат қилади. Дастлабки либерал ғоялар Суқрот даврида пайдо бўлиб, адолатли давлат тузишга қаратилган. Кейинчаллик

либерализм Рим қўмондонлари томонидан ривожлантирилган. Диний дунёқараш ва буржуа инқилоблари (XVII-XVIII асрлар) феодал муносабатларнинг емирилиши ва либерализмнинг ривожланишига олиб келган. Лекин либерализм давлат ва инсон озодлигига зарар етказиши мумкинлиги ҳам назарда тутилган. Либерализмнинг асосий принципи мутлақ озодлик эмас, балки шахснинг максимал эркинлиги, фикрлаши, фикрни баён қилиши ва ҳар қандай динни эътироф этиш эркинлигидир.

Консерватизм - (лотинча *conservare* сўзидан олинган) мураккаб ва ҳар томонлама кўп қиррали ижтимоий ҳодиса. У инсоннинг психологик сифатлари мажмуидан иборат бўлиб (унинг сиёсий қараш ва қизиқишларидан қатъи назар, консерватив деб аташ мумкин), шунингдек, сиёсий идеология ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаракат сифатида намоён бўлади. Кундалик онгда шундай қарашлар шаклланганки, унга мувофиқ ҳар қандай шахс маълум бир ахлоқий-психологик сифатлар орқали консерватив бўлиши мумкин. Бу шундан далолат берадики, ҳаётда инсон қизиққон ёки босиқ, хушёр бўлиши мумкин.

Консерватизм ғоясини XX асрда Олмонияда Моллер Вандер Бург ривожлантирди. У собиқ совет жамиятини сақлаб қолиш учун уринган коммунистларни ҳам консерваторлар қаторига қўшади.

Немис олими Колтенбрунер «Мушкул консерватизм» асарида янги консерватизмнинг моҳиятини қўйдагича ифодалайди:

- Ворисийлик;
- Барқарорлик;
- Тартибот;
- Давлат авторитети;
- Озодлик;
- Тушкунлик.

Ворисийлик – анъана ва маънавий меросни сақлаш лозим бўладиган моддий-маънавий шарт-шароитлар яратиш заруратини билдиради.

Анъаналарни сақлаш неоконсерватор учун восита эмас, балки мақсаддир. Чунки анъаналар жамият мавжудлигининг муҳим шартидир.

Барқарорлик инқилобий ўзгаришлар шароитида миллий кадрият ва аъаналарни сақлашга қаратилган. Гуманизм бу нафақат одамнинг ҳар дақиқалик ўзгариши, балки келажак авлод учун асосдир.

Тартибот – барқарорлик ва ворисийлик кафолатидир. Давлатни бошқариш институтларини унутиш тартибсизлик ва зўравонликка олиб келади.

Давлат авторитети – жамиятни бошқариш ва тартиб ўрнатишни таъминлайди. Фақат давлат ҳар ҳил гуруҳларнинг бузғунчилик ғояларига қарши куч ҳисобланади. Давлат ҳокимиятини кучайтириш ташқи ва ички ижтимоий-иқтисодий масалалар билан боғлиқ.

Неоконсерваторлар фикрича, одам эркин туғилмайди. У фақат ўз имконияти чегарасини билиб олганидан сўнг эрксизликдан озод бўлади. Ўз эркини англаш шахсга объектив ижтимоий муносабатларга аралашиб имкониятини туғдиради. Неоконсерваторлар фикрича, оқилона эркинлик маълум миқдорда авторитет ва тартиботни талаб қилади.

Тушқунлик асосида дунёда адолатли жамият куриш мумкинлигига ишочсизлик ётади. Жамиятда мутлоқ уйғунлик ва адолат бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, ёмонликни бутунлай бартараф этиш ҳам мумкин эмас. Шунинг учун икки ёмонликдан зарари камроқ бўлганини танлашга тўғри келади.

Коммунизм (лотинча *communis* - умумий) – К.Маркс (1818-1883) ва Ф.Энгельс (1820-1895) томонидан ишлаб чиқилган сиёсий таълимот бўлиб, инсонларнинг тўкин-сочинлик асосида яшаши ва ҳар томонлама тенглигини таъминлайдиган ижтимоий идеалнинг радикал турларидан бири.

Коммунизм – дунёни ўзгартирувчи яқою яғона куч ишчилар синфи, пролетариат деб билади, ўз ғояларини амалга оширишда уларга суянади. К.Маркс ва Ф.Энгельс «Ҳар шахснинг эркин ривожланиши – ҳамманинг

эркин ривожланишидир» деган ғояни илгари сурди. Бу ўринда ҳар ким – ҳамманинг ривожланиши учун шароит, холос. Ҳар кимнинг эркин ривожланиши, уларнинг фикрича, фақат восита, мақсад эса ҳамманинг эркин ривожланишидир. Ҳамма – улар учун мутлоқ қадриятдир.

Пролетар дохийлари томонидан ишлаб чиқилган сиёсий таълимот большевизм назарияси ва амалиётининг асоси сифатида хизмат қилади. Бу таълимот 1917-1991 йилларда собиқ иттифоқда ҳукмрон мафкура сифатида жамиятни бошқариб келди.

Бу таълимот буржуа жамиятини таг-туғи билан йўқотиб, ўрнига социалистлик жамият қуриб, кейинчалик унинг юқори босқичи – коммунистик жамият барпо этишни даъво қилар эди.

Маркснинг синфий кураш ва инқилобий тараққиёт тўғрисидаги назарияси ҳозирги вақтда ғайриинсонийлиги билан ўта хавфли ҳисобланади, чунки у жамиятда маслакдош бўлмаган кучлар ўртасидаги курашни тарғиб этиб, зиддиятни янада авж олдиришга даъват этади. Ваҳоланки, инсоният ривожининг юқори босқичига синфий қарама-қаршиликларсиз, инқилобий ларза ва тўнтаришларсиз, тинч-осойишта, ўзаро ҳамкорлик тамойилларига асосланган ҳолда ҳам эришиш мумкин.

Коммунизм шахс ҳаётини иккинчи ўринга қўяди, инсон қадир-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларига етарли эътибор бермайди. Бундай абсолютлаштириш жараёнида ижтимоий манфаатлар шахсий манфаатлардан юқори қўйилиб, шахсий манфаатлар ижтимоий манфаатларга бўйсундирилади. Инсондаги ижтимоийликни, социалликни абсолютлаштирган ҳолда ундаги табиийлик, жонли ва биологик асос (хусусан, ҳаётнинг табиий томонлари – моддий қулайликлари, жисмоний ривожланиши, жисмоний маданият, муҳаббат) тўғри баҳоланади. Шундан ярим таркидунёчилик, камтарона яшаш, сипо кўринишга ҳаракат, мунофиқлик ва иккиюзламачилик сари оғишмай амал қилиб келди. Инсон барча ижтимоий муносабатлар мажмуаси деб баҳоланади.



Коммунистлар учун инсон нафақат фаолият субъекти, балки таъсир кўрсатиш, ҳийла-найрат объекти ҳам эди. Маркс орзу қилган «хар кимдан имкониятига яраша, хар кимга эҳтиёжига яраша» тамойили амал қиладиган жамият аслида одамзотнинг ижтимоий табиатига зиддир.

Коммунизм таълимотига кўра, миллат – капитализм маҳсули, дин эса ўтмишнинг қолдиғи бўлиб, халқ учун афюн. Уларнинг фикрича, дин, миллат ва давлат инсоният тараққиётининг юқори босқичида барҳам топади.

Большевизмнинг асосчиси, назариётчиси, ғоявий раҳбари ва раҳнамози В.И.Ульянов (Ленин) эди. Большевизм В.И.Ленин бошчилигидаги тор доира сиёсий авантюристлари ва ҳокимият парстларининг ўта реакцион, инсоният учун зарарли ва хавфли таълимотидир.

Большевизм – Россияда большевистлик партия раҳбарлигида сиёсий ҳокимиятни эгаллаб олиш ва давлат бошқарувининг ғоявий, стратегик, тактик ва ташкилий принциплари ва воситалари сифатида амал қилди.

Большевизм – бу террор, зўравонлик, экстремизм, босқинчилик ва инсонларни талашнинг авж олиши, қутуриши ва ҳаддан ошиши, қамоқ, концлагер, катағон ва сургунлардан иборат эканини собиқ совет тузуми кўрсатади.

Большевизм – бу қулларча меҳнат, ваҳшиёна эксплуатация, очлик, қаҳатчилик, касаллик, инсонларни ажалидан олдин бевақт ўлими эканига постсовет ҳудудиган халқлар тарихи гувоҳ.

Большевизм – тажовузкор урушлар, сунъий равишда халқаро кескинликни кучайтириш, ўз халқини «темир тўсиқ» билан ташқи оламдан ажратиб қўйишдан иборат экани жаҳон аҳлига мълум.

Халқаро сиёсий экстремизм асосида пайдо бўлган ва дунёга ҳукумронлик қилишга даъво этиб келган большевизм вужудга келган пайтидан токи 1991 йил августигача Марказдаги бир тўда империяпараст кучларнинг мақсад ва манфаатларини ифодалаб келди.

Большевикларнинг бош назриётчиси В.И.Ленин большевизмга жаҳонга ҳукмронлик қилишнинг етакчилик ролини белгилаб берган эди.

Большевизм коммунизм таълимотининг собиқ иттифоқ худудида амал қилган кўриниши бўлиб, у ҳар бир инсондаги мавжуд имкониятларнинг рўйёбга чиқишига тўсқинлик қилиш билан бирга инсоний қадриятларни оёқости қилди, ҳам моддий, ҳам маънавий, ҳам экологик жиҳтдан халқимизга жуда катта зарар келтирди.

Фашизм – (итальянча *fascismo* сўзидан олинган бўлиб, *fascio* – боғлам, алоқа, боғлиқлик деган маъноларни билдиради) мустабидлик руҳидаги сиёсий ҳаракатлар, партия ва режимларни билдиради. Бу оқим Биринчи жаҳон уришидан кейин Европа мамлакатларидаги тажовузкор таълимотлар асосида пайдо бўлди. Мазкур таълимот пайдо бўлишининг асосий сабаби – жамиятдаги барча ижтимоий қатламларни қамраб олган узоқ муддатли глобал инқироз эди. Фашизм ана шу инқироздан тез ва нисбатан самарали чиқишга уриниш эди. Аммо жамиятнинг ўз муаммоларини янги фашистик элита ҳисобига ечиши одатда жуда қимматга тушади, яъни охир-оқибатда бундай ҳолатдан жамиятнинг ўзи ҳалокатга учрайди.

Фашизм миллий сафарбарлик ва бирдамликка асосланган мафкура бўлиб, биринчи жаҳон уришида мағлубиятга учраган давлатларни бирлаштириш йўли эди. Бу – жамият тузилиши ва тизимини янгича ташкил этишга қаратилган мистик этатизм ва давлат патернализми, миллатчилик ва ирқчилик шаклларининг йиғиндисидир. У жамиятни мажбурий таризда «бизникилар»га ажиратиб ирқчилик, милитаризм ғоялари асосида «бегоналар» ни йўқ қилишни тарғиб этади.

Фашизм – оммавий сиёсий ҳаракат бўлиб, катта тарғибот-ташвиқот аппарати асосида омманинг хулқ-атвори ва дунёқарашини бошқарадиган ғоявий мафкуравий технологик мажмуадир.

**Нацизм** – Адольф Гитлер томонидан тузилган Германиядаги национал-социал демократик партия. Биринчи жаҳон урушидан кейин большевиклар ҳокимият тепасига келиши билан Европага «буюк хавф»

пайдо бўлади. Бундан баъзи бировларнинг ўзини йўқотиб қўйиши, тажовузнинг авж олиши натижасида жаҳондаги вазият издан чиқиб кетади. «Диктаторлар асри» бошланади. Бу даврда Германияда давлат нарозилик ва қўрқув маконига айланиб қолди. Нацизм ва фашизм лидери ва фюрери ҳисобига кучайиб бораверди. Гитлер даврининг сўллари ва ўнглари ўртасида, Шарқ билан Ғарб ўртасида ўзига хос учинчи позицияни эгаллашга ҳаракат қилди. У барча позициялар ўртасида туриб, уларнинг ҳаммасида иштирок этиб, уларнинг элементларини ноқонуний равишда ўзлаштириб ўзиники қилиб олди. Буларни амалга оширишда Гитлернинг шахсияти ҳам катта ўрин тутган эди. Биринчи жаҳон урушидан кейин Германиянинг барча қирғин-баротларида айбдор деб топилиши ва Миллатлар Лигасига қабул қилинмаслиги жамиятда катта тартибсизликларга олиб келди. Давлат ва халқ инқилоб бўсағасида турар эди. Шундай пайтда национал-социализм, Гитлернинг ибораси билан айтганда, Мюнхендаги пивохоналарда тўпланган қоқоқ, кайфияти ёмон майда буржуа муҳитида шакилланди.

Россиядаги октябрь инқилоби Германиядаги қурқувни янада шуқирлаштирди. Бу марксистлик инқилоб таҳдидига национал-социализм ўзининг уюшган жўшқинлигини қарама-қарши қўйишга киришди.

Нацизмнинг мақсади, Гитлернинг таъкидича, «марксистлик дунёқарашни йўқотиш ва тағ-туғи билан тугатиш», марксизм террорига ўн карра кучли террорни қарама-қарши қўйишдан иборат эди. Аслида Европа жамияти олдида турган ҳалокатда марксизм фақат баҳона эди, холос. Нацизмнинг асл мақсади эса жаҳонга эгалик қилиш эди.

Шунинг учун ҳам нацизм ва фашизм тарғибот ва ташвиқот аппарати кечаю кундуз нафақат немис халқига, балки жаҳон халқларига йўналтирилган ғоявий ҳужумни тинимсиз олиб борган эди.

XXI срда нацизм ва фашизм жабр-стамларини тортган бир қанча мамлакатларда неофшизм ёшлар ўртасида яна қайта бош кўтара бошлади. Европанинг қатор давлатларида ва собиқ совет ҳудудининг Россия,

Украина ва Болтиқбўйи давлатларида содир бўлаган воқеалар бунга мисол бўла олади.

Фундаментализм – муайян таълимотнинг жамият ҳаётининг асоси деб мутлақлаштирилиши ёки муайян ғоянинг таълимот асосида бўлишидир. Ушбу атама икки хил талқинда ишлатилиб, бири сиёсий термин ҳисобланса, яна бири фанда илмий истилоҳни ифодалайди. Фанда бу атама илк бор Янги давр фалсафаси вакиллари Ф.Бекон, Р.Декарт ва Ж.Локк сингари файласуфлар асарларида қўлланган. Улар билиш масаласида, агностик фалсафани тушинтиришда фундаментализмни келтириб ўтган. Бу термин сиёсий мақсадларга илк бор XX аср бошида америкалик протестантларнинг бир гуруҳи томонидан ишлатила бошлади. Улар христианликнинг фундаментал ақидаларина соф асосда қайта тиклаш ва бунд муайян эътиқодий назарияларни қабул қилиш ҳам да бошқаларидан тамомил воз кечишни талаб қилиб чиқади. 70-йиллардан бошлаб бу атама Ғарб тадқиқотчилари томонидан ислом оламига нисбатан ҳам ишлатила бошлайди. Кейинги вақтда жаҳон матбуатида мутаасиб ислом жангариларини фундаменталлар деб аташ одат тусига кирди. Аммо диний фундаментализм ҳамма динларда мавжуд бўлиб, улар ягона умумий хусусиятни ўзида мужассам этади. Протестант фундаментализми, проваслав фундаментализми, иудаизм фундаментализми каби атамалар бугунги кунда кенг ишлатилмоқда. Қизиғи шундаки, баъзи мамлакатларда диний фундаментализм сиёсий сахнада ўз мавқеига эга. Мисол учун, иудаизм тарафдорлари Исроил парламентининг салкам учдан бир қисмини ташкил қилади. Юқорида таъкидлагани каби сўнги пайтларда айрим минтақаларда ислом фундаментализмининг кучайиши кузатилмоқда. Бу тама – Қуръон ва Ҳадисни кўр-кўрона талқин этадиган, илк исломга қайтишга қаратилган ўз ақидаларини кенг тарғиб қиладиган, диний консерватив руҳдаги йўналишга нисбатан ишлатилади. Ислам фундаментализми турли-туман йўналиш ва кайфиятдаги гуруҳларни ўз ичига олади. Уларнинг баъзилари сиёсий жавҳада, инқилобий ва ҳатто

террористлик усуллар билан қонуний ҳокимиятга қарши курашда ўзини намоён этса, бошқалари тарғибот-ташвиқот ишлари, диний таълим, турли жамоат ташкилотлари, мактаб, университет, оммавий ахборот воситаларига кириб бориш, айниқса, фойдаланиш осон бўлган аудио-видео кассеталарни тарқатиш билан шуғилланади. Ислом фундаментализми учун умумий бўлган ғоялар – гўёки динсиз ёки «соф исломдан чекинган» давлат раҳбарларига суиқаст қилиш ва уларнинг таъбири билан айтганда, исломда «ширк»ка (будпарастликка) барҳам бериш. Транспорт ва коммуникация воситалари шиддат билан ривожланиб бораётган, халқаро алоқалар тобора эркинлашаётган ҳозирги даврда ислом фундаментализми вакиллари ўз ҳаракатларини бутун дунё бўйлаб ёйишга интилмоқда. Кейинги вақтларда рўй бераётган террорчилик ҳаракатлари бу ҳодисанинг нақадар ҳавфли эканини ва унга қарши бирлашган ҳолда курашиш лозимлигини яққол кўрсатмоқда.

Терроризм (лотинча terror – қўрқув, даҳшат) – ёвуз мақсадлар йўлида, куч ишлатиб, одамларни гаровга олиш, ўлдириш, ижтимоий объектларни портлатиш, қўрқув ва ваҳимага солишдан иборат бўлган хатти-ҳаракатларга асосланган зўраваонлик усули. Қўрқитиш ва даҳшатга солиш орқали ўз ҳукмини ўтказишга уриниш террорчиликка хосдир. У сиёсий, иқтисодий диний ғоявий, ирқий, миллий, гуруҳий ва индивидуал шаклларда намоён бўлиши мумкин. Таъқиб, зўравонлик, қўпоровчилик ва қотиллик террорчиликнинг ҳар қандай кўриниши учун умумий хусусият бўлиб, уларнинг барчаси гуманизм, демократия, адолат тамойилларига зиддир. Шунинг учун терроризм қандай ишлар остида амалга оширилмасин, моҳиятдан инсониятга, тараққиётга, эзгуликка қарши жиноятдир.

Диний терроризм муайян бир диний секта ёки гуруҳ таълимотининг жамият мутлақлаштирилиши оқибатида келиб чиқади. Бунда ушбу ғоя тарафдорларини кескин танқид остига олиб рад қилади ваа ғоявий безовталиқни келтириб чиқаради. Бунинг даҳшатли томони улар

кўллайдиган амалий чораларда кўринади. Бунинг даҳшатли томони улар кўллайдиган амалий чораларда кўринади. Чунки одатда фундаментализм тарафдорлари кўлида қурол ва баъзан бутун бошли ҳарбий гуруҳлар бўлади. Бугунги кунда ядровий, биологик, бактериологик қуролларнинг террорчилар кўлига тушиб қолиши эҳтимоли – энг катта хавфдир.

Жиноий терроризмга бандитлик – талончилик ва гомицид мисол бўлади. Таҳликали замонда кишилар бошига кулфат солаётган ва уларнинг ҳаёти, фарзандлари, мол-мулкига таҳдид қилаётган жиноий терроризм кундан-кунга кучайиб бормоқда ва жаҳон ҳамжамиятида жиддий хавотир уйғотмоқда. Иқтисодий манфаатларни кўзлайдиган ва моддий бойликларни ўзлаштиришни мақсад қилиб олган бу террорчилик коррупция каби катта жиноий тизим билан узвий боғланиб кетган. Унда раҳибларни ёки уларнинг яқинларини ўлдириш, ўғирлаб кетиш, зўравонлик, тажовуз билан кўрқитиб, ўз ҳукмини ўтказишга уриниш, мол-мулкни ўзлаштириб олиш йўлларида фойдаланилади. Бунинг яна бир тамони – баъзан бе террор сиёсий, этник, баъзан эса диний характер касб этмоқда. Мана шундай вазиятда бу террорчиларнинг мақсади ҳокимиятни эгаллашга ҳам қаратилиб, пирамида симон характерга эга бўлиб бормоқда.

Неофашизм – фашизмнинг янги тарихий шароитдаги кўриниши. Неофашистик гуруҳлар янги шароитга мослашган ҳолда ўзини жаҳон афкор оммаси кўз ўнгида мутлақо обрўсизлантирган фашизмдан фарқ қиладиган оқим сифатида кўрсатишга уринади.

Неофашистлар аҳолининг қашшоқ, маргинал гуруҳларини ўз тамонига ағдариб олишга ҳаракат қилади. Шу боис ўз мавқеидан норози бўлган муайян гуруҳлар неофашистлар таъсирига тушиб қолади.

Неофашистлар кўллайдиган асосий тактик усул – турли йўллар билан мамлакатда ижтимоий танглик вазиятини келтириб чиқариш ва сақлаб туришдан иборат. Шу тариқа улар демократик йўл билан сайланган парламентлар ва ҳукуматларни мамлакатда тартиб ўрнатиш ва сақлаш учун ноқобил деб кўрсатмоқчи бўлади. Ижтимоий тангликнинг сурункали

давом этиши аҳоли куйи табақаларининг бир қисмини неофашистлар сифатида қушилишга олиб келиши мумкин. Шунинг учун неофашистлар турли тартибсизликлар келтириб чиқариш йўли билан тангликни сақлаб туришга ҳаракат қилади. Масалан, Россия Федерациясидаги Э.Лимонов бошчилик қилаётган национал-большевиклар ўз фаолиятида мана шу усулдан фойдаланади.

Неокоммунизм («нео» - «янги» ва «коммунизм» - умумий сўзларидан олинган) – ишлаб чиқариш воситаларига умумий мулкчилик кўзда тутилган ижтимоий – иқтисодий формация – коммунизмнинг янги кўриниши. Собиқ СССР тарқалиб кетганидан сўнг коммунистик партия негизида қайта ташкил топган, коммунистик ғояларни янгича талқин қилишга ҳаракат қилаётган сўл оқим.

Неокоммунизм тарафдорларининг фикрига кўра, марксизм-ленинизм таълимоти асосида қурилган коммунизм илмий ғояси бу ғояни малга оширганлар томонидан нотуғри талқин қилинган ва мазкур таълимотга нотуғри тузатишлар киритилган. Хусусан, коммунизмни бутун жаҳон миқёсида ўрнатиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги оддий ҳақиқат тушиниб етилмаган. Коммунизмни фақат ижтимоий турмуш тарзини ўзгартириш, яъни ташқи муҳитга таъсир кўрсатиш билан қуриб бўлмайди. Собиқ коммунистик арбоблар инсоннинг ички дунёсини ўзгартиришни унутиб қўйган. Неокоммунизмга кўра, коммунизм – синфсиз жамият. Ҳолбуки, инсонлар ўртасида ҳамиша тафовутлар бўлади.

Неокоммунизмга кўра, синфсиз жамият қуришга фақат юксак тараққий этган инсонларнинг бирлашиши орқали эришиш мумкин. Ҳеч қандай ташқи кучлар, айниқса, мажбурлаш орқали коммунизмга эришиб бўлмайди, чунки бу инсон, унинг ички дунёсига мутлақо зиддир.

Мазкур таълимот муаллифларининг фикрича, неокоммунизм, энг аввало, фан ва дин (кўпроқ ҳақиқий диндорлик) синтезига асосланади. Неокоммунизмнинг коммунизмдан асосий фарқи – тўла коммунизмга ёки порлоқ ҳаётга эришиш.

Гегемонизм – (юнон. гегемония – етакчилик, бошқариш) - ижтимоий гуруҳ, синф, давлат ёки этноснинг бошқа гуруҳлар, синфлар, давлат ва этнослаар устидан етакчиликка даъво қилиши. Ижтимоий-сиёсий таълимотлар тарихида гегемонияга турлича ёндошувлар бўлган. Қадимги юнонлар ва римликлар ўзларини маданиятли одам ҳисоблашган ва бошқа барча халқларни, шу жумладан, Европа халқларини ҳам варварлар, яъни ёввойилар деб ҳисоблашган. Бундай ёндашув, табиийки, юнонлар ва римликларнинг дунёда гегемонликка даъво қилишига олиб келган.

Маркс ва Лениннинг сиёсий назариясида асосий ўрин пролетариат гегемонлигига жиратилган эди. Уларнинг фикрига кўра, барча кўйи синфлар, қатлам ва гуруҳларнинг социалистик инқилоб йўлидаги иттифоқига пролетариат етакчилик қилиши лозим. Мамлакатларнинг XX аср давомида ва XXI аср бошларидаги ривожланиши пролетариат гегемонияси тўғрисидаги таълимот ўринсиз эканини кўрсатади. Ҳар бир муайян мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасига, унинг ижтимоий тузилмаси хусусиятларига боғлиқ равишда турли ижтимоий қатлам ва гуруҳлар бошқа гуруҳлар ва қатламларга маълум давр давомида етакчилик қилиши мумкин. XX аср ўрталарида жаҳон сиёсий харитасида икки кутиблик вужудга келгач, АҚШ ва собиқ Совет Иттифоқи гегемонликка даъво қила бошлади. Собиқ Иттифоқ парчаланиб кетгач, сиёсий майдонда кўп қутблик вужудга келди. Бироқ АҚШ дунёга гегемонлик қилиш даъвосидан қайтмади.

Умумжаҳон миқёсида гегемонликка даъво қиладиган давлатлардан ташқари минтақавий гегемонликка даъво қилувчи давлатлар ҳам бор. Улар ўз минтақаларидаги давлатларга сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан таъсир ўтказмоқчи бўлади.

Экстремизм (лотинча *extremus* - ашаддий) – сиёсатда ашаддий қараш ва чораларга мойиллик.

Экстремизмни вужудга келтирадиган омиллар кўп ва хилма-хил. Улар орасида бир тузумдан ўтиш даврида юз берадиган ижтимоий



тузилмаларининг бузилиши, аҳоли катта гуруҳларининг қашшоқлашуви, иқтисодий ва ижтимоий танглик каби омилларни кўрсатиш мумкин. Бу омиллар аҳоли турмуш шароитларининг ёмонлашувига олиб келади. Давлат ҳокимиятининг заифлашуви, давлат органларининг обрўсизланиши, ижро интизомининг пасайиб кетиши, кадриятлар тизимининг емирилиши ҳам экстремизмни вужудга келтирадиган сабаблардан ҳисобланади.

Экстремизм аҳолининг сиёсий ва ижтимоий кайфиятидан мавжуд тузилмаларни вайрон қилиш мақсадида фойдаланади. Экстремистлик ташкилотлар Конституция ва бошқа ҳужжатларга зид тарзда фаолият юритади. Шунинг учун, айтиш мумкинки, экстремизм – ҳуқуқий нигилизмнинг бир кўриниши.

XX асрнинг 80-90-йилларида сиёсий экстремизмнинг намоён бўлиши кўлами кенгайди. Шу даврда одамларни гаровга олиш, сиёсий қотилликлар, сиёсий партиялар аъзоларига қуролли ҳужумлар қилиш, анархистик, шовинистик ва неофашист гуруҳларнинг фаоллашуви кузатилди.

Экстремизм сиёсий, психологик, маиший ва бошқа кўринишларда бўлиши мумкин. Сиёсий экстремизмнинг ашаддий кўриниши – терроризмдир. Экстремистлар одамларга қийинчиликларни тезда бартараф қилиш, тартибни кафолатлаш, ижтимоий таъминотни яхшилаш сингари ваъдалар беради.

## 1.2. Мафкуравий майдон-мафкуравий кураш макони

Мафкуравий курашлар қаерда, қачон ва нима сабабдан пайдо бўлади, деган саволга ҳеч иккиланмасдан идеосферанинг ажрамас атрибутларидан бири бўлган мафкуравий майдонда содир бўлади, деб жавоб бериш мумкин. Демак, шундай экан мафкуравий майдон нима? Бу саволга мафкурачи олимлар, биринчидан, «мафкуравий майдон» атамаси янги тушунча бўлиб, «мафкура» ва «майдон» сўзларининг қўшилишидан ташкил топган ҳамда мафкуравий жараёнлар билан боғлиқ тушунча; иккинчидан, глобаллашув жараёни интеграциялашув, сиёсатлашув, дифференциялашув жараёни; учинчидан, бир-бирига қарама-қарши бўлган 2 қутбли (социалистик ва капиталистик) лагер ғоя ва мафкураларнинг барҳам топиб, кўп қутбли, хилма-хил қарашларга айланган, шаклланган майдони; тўртинчидан, бир-бирига мутлақо зид дунёқараш, эски ва янги мафкураларнинг ўзаро зиддиятли кураш майдони; бешинчидан, турли кўлам ва манзарага эга бўлган мафкуравий майдонларда турфа қараш ва мафкуралар тўқнашуви майдони, - деган жавобларни беришган. Ушбу таъриф ва тавсифларнинг қийматини камситмаган ҳолда мафкуравий майдонни мафкуравий курашлар содир бўладиган макон деб қараш мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда мафкуравий майдон ўзининг жойлашиш ўрнига, вақтига ва кўламига эга бўлишини назардан қочирмаслик керак бўлади. Мафкуравий майдонни эгаллаган ўрни, яъни жойига кўра планетар, минтақавий ва давлат; юз берадиган вақтига қараб доимий ёки вақтинча; кўламига кўра кенг ёки тор қамровли турларга ажратиш мумкин. Демак, ана шу фалсафий ёндашувдан келиб чиққан ҳолда мафкуравий майдон тушунчасига қуйидагича фалсафий таъриф бериш мумкин. Мафкуравий майдон деб бутун жаҳонда, унинг минтақаларида, алоҳида халқлар ва давлатлар ҳаётида кечаётган мафкуравий курашларнинг жойи, вақти ва кўламини ўзида мужассамлаштирган маънавий-мафкуравий тизимлар мажмуига айтилади.

Мафкуравий майдоннинг намоён бўлиш хусусиятлари. Мафкуравий майдон ўзига хос бўлган ўлчамлар орқали ўз хусусиятларини:

- сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаблар ва секталар ўртасидаги фикр талашувлар, баҳс, мунозаралардан келиб чиқиб, зиддиятли, қонли тўқнашув, оммавий қирғинларга, одамлар бошига қайғу-кулфатлар солаётган;

- ғоявий, мафкуравий таъсир кўрсатиш мумкин бўлган зиддиятли ва ўзаро ҳамкорликнинг акс этиш жараёнидаги макон;

- муайян бир ҳудудда давлат тизими бир ижтимоий-иқтисодий тизимдан бошқасига ўтиш даврида бўш қолган мафкура майдонидан бизга бегона, орзу-интилишларимизга мутлақо ёт ғоялар ўрин эгаллаши мумкин бўлган ҳудудлар майдони сифатида намоён қилади.

Мафкуравий майдонни ташкил этувчи омиллар ва воситалар. Ҳар бир мафкуравий майдоннинг мавжудлигини таъминловчи омил ва воситалари бўлади. Ундаги объектив омиллар жумласига: кишиларнинг маълумот даражаси, маданий савияси; субъектив омилларга эса таълим-тарбия муассасалари, тарғибот ва ташвиқотчилар, мафкура ходимларининг профессионал маҳорати, оила, маҳалла, меҳнат жамоалари, сиёсий партиялар, ОАВ, дин, коммуникациялар, шунингдек, иш вақти ва ишдан кейинги бўш вақт ва бошқалар киради.

Мафкуравий майдон воситалари: 1) мафкуравий марказлар; 2) мафкуравий таъсир ўтказувчи фан, адабиёт, санъат, матбуот, ОАВ, интернет, мобил алоқа станциялари, электрон почта, космик телерадио алоқа тизимларининг техник-технологик воситалари кучайиб бораётган ахборот алмашуви; 3) ахборот майдони, ахборотлашган жамият киради кабилар этади. Мафкуравий майдон омиллари унинг мавжудлигини, фаолият олиб боришини таъминласа; воситалари эса субъектларнинг объектларга ва бошқа субъектларга ўз таъсирини ўтказиш вазифаларини бажаради.

Мафкуравий майдоннинг ғоявий манбалари. Ҳар бир мафкуравий майдон қандайдир ғоявий манбадан озиқланади ва кўпинча озиқланган манбаси субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилади. Бунга *биринчидан*, муайян ижтимоий-сиёсий кучлар, гуруҳ, қатлам, миллат, жамият, давлатлар, сиёсий марказларнинг мақсад ва манфаатларини ифода этадиган ҳудудий; *иккинчидан* эса мафкуравий жиҳатдан бўлиб олиш билан боғлиқ бўлган терроризм, буюк давлатчилик шовинизми, диний экстремизм, сепаратизм, тажовузкор миллатчилик каби мафкуравий таҳдидлар намоён бўладиган майдондан озиқланган ғоялар киради. Мафкуравий майдоннинг ғоявий манбаларининг мазмун-моҳияти юқорида баён этилган ғоявий манбаларнинг қандай усуллар, яъни: 1) берилган маънавий ва мафкуравий тарбия; 2) ўтказилган маънавий-марифий тадбирлар; 3) тушинтириш ва ишонтириш; 4) мажбур қилиш; 5) мафкуравий иммунитетнинг ҳосил қилинганлик даражаларига боғлиқ бўлади.

Мафкуравий майдонда ғоявий таъсир ва акс таъсир кўрсатиш жараёнлари. Ҳар бир жараён таъсир ва акс таъсир орқали ўзининг хусусиятларини намоён қилади. Худди, шунингдек, мафкуравий майдон ўзра кечаётган ғоялар ҳам бир-бирларига таъсир ва акс таъсир ўтказадилар. Мафкуравий майдонда содир бўлаётган бундай жараёнларни: 1) мафкуравий марказнинг босими ошган, ғоявий-мафкуравий тазйиқ ва тажовузларнинг намоён бўлиш; 2) бугун дунёда бораётган курашлар ичида энг катта, энг таъсирчан кўраш, аввало, мафкура майдонларида олиб борилаётган жараён; 3) иқтисодий қамал, сиёсий тазйиқлар, дуқ-пўписа, кўрқитиш, ҳарбий таъсирлар ва бошқа ш.к. майдонларга ажратиш мумкин. Ғоявий таъсир ва акс таъсир ўзининг озиқланаётган манбаига кўра ўзаро хомкорлик ёки тажовузкор ҳарактерда бўлиши мумкин.

Мафкуравий майдон шакллари. Мафкуравий майдонни унда кечаётган мафкуравий жараёнларнинг тузилишига, яъни ички ва ташқи томонларининг бирлигига қараб қуйидаги шаклларга ажратиш мумкин:

- Бўлиб ташлаб, ҳукмронлик қилиш майдони.

- Инсон онги ва қалбини эгаллаш майдони.
- Ғоявий, мафкуравий бўшлиқдан фойдаланиб, ўз ғоясини сингдириш майдони.
- Ишонтириш учун тўрли хил мафкуравий тарбия усул ва воситаларидан фойдаланиш майдони.

Нихоятда катта иқтисодий имкониятга эга бўлган мафкуравий манба яловбардорлари, ўзлари томонидан яратилган бирон-бир ғояни мафкуравий майдонга киритишдан олдин, унинг табиати ва хусусиятларини, келтириб чиқарувчи оқибатларини билиш мақсадида, биринчи навбатда, мафкуравий полигонда синаб кўришни ўзларига урф-одат қилиб олмоқда.

Мафкуравий полигон - турл хил ғояларни синайдиган мафкуравий майдон. “Полигон” сўзи юнонча “poly-куп” “gonia-бурчак”, яъни “кўп бурчак” сўзидан олинган бўлиб, 1) мамматика илмида кўп бўрчак; текисликдаги синик чизик; 2) ҳарбий соҳада куруқлик ёки денгизнинг махсус иншоотлар, қурилмалар билан жиҳозланган ва ҳар хил қурооллар ва жанговоар техникани синаб кўриш, шунингдек, ҳарбий машқлар ўтказиш учун мўлжалланган қисми; 3) Кўчма ижтимоий маънода эса муайян иш-ҳаракат, фаолият билан шуғулланиш майдони, соҳасини англатиш учун ишлатилади. Шуларга асосланган ҳолда мафкуравий полигон тушунчасини кўйидагича таърифлаш мумкин.

**Мафкуравий полигон**, бу — катта ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий имкониятларга эга бўлган айрим шахс, элат, миллатларнинг ўзга одамлар ва халқларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган турли ғояларни жанггоҳга ташлаш олдидан синаб кўрадиган махсус мафкуравий майдондир.

Мафкуравий полигонларнинг ядро полигонларидан устунлиги нимада? Бу устунлик биринчидан, катта моддий ва молиявий ресурсларни тежаб қолиш имкониятини беради. Масалан, битта ядро қуролини ишлаб

чиқиш, уни кўзланган жойга элтиб ташлаш учун неча-неча миллионлаб, миллиардлаб пул маблағлари сарфланади.

Иккинчидан, ядро қуроллари ишлатилгудай бўлса, эгалламоқчи бўлаётган барча моддий бойликлар вайрон бўлиб, яроқсиз ҳолга келиб қолади, ваҳоланки, ядро қуролини ишлатиш орқали забт этилган жойда “ғолиб-ядрочи”нинг ўзи ҳам яшаш имкониятларидан маҳрум бўлади.

Учинчидан, миллионлаб одамларнинг ҳалок бўлиши ёки майиб-мажруҳ бўлиши оқибатида “ғолиб-ядрочи” тайёр ишчи кўчидан ажралади.

Туртинчидан, бутун экосистеманинг издан чиқиши оқибатида “ғолиб-ядрочи”нинг ўзи ҳам катта фалокат ёқасига келиб қолади.

Бешинчидан, ядровий қурол ишлатиш хавфини олдиндан сезиш мумкин, аммо мафкуравий қурол орқали ўтказиладиган тазйиқни, унинг таъсири ва оқибатларини илғаб олиш ниҳоятда қийин. Буни ақли расо ҳар бир одам яхши билади. Шунинг учун ҳам табиий заҳираларга бой бўлган ҳудудларни эгаллаш ўринаётган ҳар қил кучлар, қандайдир ғоя ва мафкуралар байроғи остида бирлашиб, ўзларининг мафкуравий қуролларини ишга солган ҳолда ўша жойларни эгаллаш учун мафкуравий кўрашни авж олдиришга киришмоқдалар. Бу кўраш ўзининг ғирром ўйинлар тарзида пинҳона кечаётганлиги билан ўзбек халқининг мустақиллигига, унинг ривожланишига таҳдид солмоқда.

## **II-боб: Ҳозирги даврда ўзбек халқининг ҳаётига хавф салаётган маънавий-мафкуравий тақдидлар**

### **2.1. Биз яшаётган давр хусусиятлари**

Биз яшаётган давр қандай хусусиятларга эга? Сўнгги вақтларда жаҳонда юз берган, дунёнинг жўқрофий-сиёсий тузилишини ва харитасини тубдан янгилаган ўзгаришлар ҳозирги замон ва келажак учун қандай тарихий аҳамиятга молик? Булар ҳақида мулоҳаза юритиш ва уларга тўғри баҳо бериш жуда муҳим.

Дунё харитасида янги мустақил давлатлар пайдо бўлди. Улар, ҳозирги тил билан айтганда, социалистик ўтмишга эга бўлган, ўз сиёсий мустақиллигини тинч йўл билан қўлга киритган давлатлардир. Бу давлатлар мустақил ривожланиш ва ижтимоий муносабатларни янгилаш йўлига қадам қўйди. Улар дунёдаги бошқа мамлакатлар орасида ўз мавқеини мустаҳкамлашга интилоқда. Тенглар орасида тенг бўлишга, жаҳон майдонининг таркибий қисмига айланишга ҳаракат қилмоқда. Бу давлатлар олдида муваффақиятсиз, чиппака чиққан тарихий тажрибанинг фожиали оқибатларини қисқа давр ичида бартараф этиш вазифаси турибди. Улар замонавий бозор иқтисодиётига эга бўлган, одамлар муносиб турмуш кечиришини таъминлай оладиган, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қила оладиган чинакам демократик жамият куришдек мураккаб вазифани ҳал этиши зарур. Ўзбекистон ҳам ана шундай давлатлар жумласига киради.

Социализмдан кейинги маконда пайдо бўлган давлатлар ўз хавфсизлиги ва барқарорлиги йўлида таҳдид бўлиб турган муаммоларни баҳолашга етарли даражада жиддий муносабатда бўлмаяпти. Ўзбекистоннинг, бошқа янги мустақил давлатларнинг қарор топиш ва ривожланиш тажрибаси, афсуски, шундан дарак бермоқда. Бу таҳдидларни олдиндан кўра билишга ҳамма вақт ҳам муваффақ бўлинмаётир. Кўпинча улар кутилмаганда рўй бермоқда. Жуда катта қурбонлар, кулфатларга сабаб бўлмоқда. Энг фожиалиси - инсонлар қурбон бўлмоқда. Беқарор,

адоватли вазият вужудга келмоқда. Ижтимоий ривожланиш ва тараққиёт жараёнлари секинлашмоқда. Аҳолида эртанги кунга ишончсизлик, ўз хаётидан, қариндош-уруқлари ва яқин кишиларининг хаётидан хавотир хисси уйқонмоқда. Ва энг муҳими, воқеаларнинг олдиндан билиб бўлмайдиган тарзда бундай ривожланиши мамлакат танлаб олган сиёсий ва иқтисодий йўлни амалга ошириш мумкинми, йўқми деган масалани кўндаланг қилиб кўяди.

Тоталитар тузум емирилганидан кейин дунёнинг қутбларга бўлиниши барҳам топди. Лекин шу туфайли у хавфсизроқ, барқарорроқ, собитқадамроқ бўлиб қолдими? Кейинги йилларда бутун дунё миқёсида ва минтакалар даражасида вужудга келаётган ташқи муносабатларни танқидий таҳлил қилиш ва энг аввало:

бир қанча мамлакатларда кескин сиёсий кураш бораётган бир вақтда демократия асосларининг баъзан қийинчилик билан қарор топиш жараёнларини таҳлил қилиш;

миллий ўзликни англашнинг фаол жонланиши ҳамда миллатлар ва айрим элатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашга интилиши;

этник ва миллатлараро зиддиятларнинг сақланиб қолаётганлиги;

қотиб қолган мафкуравий ақидаларнинг қадрсизланиши ҳамда сиёсий ва диний экстремизмнинг турли шакллари кучайиб бораётганлиги;

дунёнинг катта қисмида иқтисоди заиф, аҳолиси қашшоқ яшаётган мамлакатлар сақланиб қолаётганлиги;

мамлакатлар, халқлар ўртасида, бир мамлакат ичида эса айрим ижтимоий гуруҳлар ўртасида иқтисодий ва ижтимоий табақаланиш кучайиб бораётганлиги - буларнинг барчаси дунё ҳали ҳам аввалгидек мўрт бўлиб турганлиги ва авайлаб муносабатда бўлишни талаб қилаётганлигидан далолат беради. Бизни қуршаб турган олам Ғоят мураккаб ва муаммоли бўлиб келди, шундай бўлиб қолмоқда ва яқин истиқболда ҳам шундай бўлиб қолажак.



Ўозирги шароитда, умумий хавфсизликни таъминлаш ва мувозанатга эришиш манфаатлари нуқтаи назаридан, янги мустақил давлатларнинг хавфсизлиги ва барқарор ривожланиш муаммолари улкан аҳамият касб этмоқда. Ер юзида вазият ва кучлар нисбати шиддатли ўзгариб бормоқда. Янги мустақил давлатлар майдонга чиқмоқда. Бу эса ҳозирги кунда давлатлар ва халқларнинг барқарорлигини таъминлаш учун янгича ёндашувларни излаб топишни, XXI аср арафасида хавфсизликнинг янгича моделларини ишлаб чиқишни тобора қаттиқ талаб қилмоқда.

Бугун Ўзбекистон - фақат жуда бой табиий-хом ашё захиралари, чексиз бозор ва сармоя сарфланадиган соҳагина эмас. Айни чоқда мамлакатимиз Ғоят улкан ақл-заковат, маънавий ва маданий имкониятларга эга. Буларнинг барчаси дунёда янги сиёсий ва иқтисодий тартиб фаол шаклланиб бораётган бир шароитда, юртимизнинг ноёб жўқрофий ўрни билан қўшилган ҳолда жуда катта жўқрофий-сиёсий ва жўқрофий-стратегик қизиқиш уйқотади.

Сайёрамизнинг жуда катта майдонида кучлар нисбати кўп жиҳатдан Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатлар қайси йўлдан боришларига боқлиқ. Ўозир халқаро муносабатларнинг сифат жиҳатидан янгича тартибини шакллантириш жараёнида иштирок этаётганлар буни эътироф этмасликлари мумкин эмас. Ўеч шубҳа йўқки, бу давлатларнинг танлаб олган йўли ислом дунёсида юз бераётган мураккаб жараёнларнинг ривожланиши қандай натижаларга олиб келишига ва умуман жаҳон ҳамжамияти учун келиб чиқадиган барча оқибатларга ўз таъсирини кўрсатади.

Ана шуни тушуниш Ўзбекистон Республикасининг ва бутун Марказий Осиёнинг XXI аср бўсақасидаги тақдири ва ривожланиш истиқболлари ҳақида юритилаётган ҳамма фикр-мулоҳазаларнинг таянч нуқтаси бўлиб қолиши керак. Бундай фаразлар ва таҳлилий материалларнинг ҳар қайсиси, албатта, ҳурмат билан муносабатда бўлишга сазовор. Бир нарса равшанки, барқарорлик ва жўқрофий-сиёсий мувозанат сақланиб қолган

шароитдагина бу минтақа жўшқин ва собитқадам ривожланади, жаҳон ҳамжамияти учун муносиб шерик бўла олади. Марказий Осиё минтақасида турли сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, транспортга ва экологияга оид муаммолар тўпланиб қолган. Шунинг назарда тутадиган бўлсак, бутун минтақанинг собитқадам ва барқарор ривожланишини таъминлаш ҳамда можароли вазиятларнинг олдини олиш учун ҳозирги кунда ички ва ташқи мувозанатни сақлаш ва қўллаб-қувватлашгина бирдан-бир мақбул тамойилдир. Минтақада жўқрофий-сиёсий мувозанатни ва барқарорликни сақлаган тақдирдагина мазкур муаммоларни ҳал этиш имкони туқилади. Бу эса, ўз навбатида, ялпи хавфсизликни таъминлаш муаммоларини ҳал қилишга қўшилган салмоқли ҳисса бўлади.

Ўзбекистон эркин ривожланаётган дастлабки йилларда орттирилган тажриба ҳам айна шундан далолат бермоқда. Бу тажриба қўлга киритилган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорлик улкан ютуқ эканлигига ва бу улугъ неъматнинг аҳамияти чексизлигига яққол ишонтирмоқда.

Шунинг учун ҳам: "Огоҳ бўлинг, одамлар!" - деган даъват ҳамisha бонг ургандек янграб туриши керак. Фахрланиш мумкин ва лозим бўлган бебаҳо қадриятлар - ўз мустақиллигимизни, тинчлигимизни, жамиятда миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги тотувликни асранг. Ўз эркимизни қандай тасарруф этиш, уни бугунги мураккаб ва баъзан шафқатсиз дунёдаги ҳаддан зиёд хавф-хатарлардан сақлаш ҳар биримизга боқлиқдир.

Ўзбекистон амалда Форс кўрфази, Каспий денгизи ҳавзаси ва Тарим ҳавзасининг нефть ва газга жуда бой конлари жойлашган ярим ҳалқанинг стратегик марказидир. Яъни, бу ярим ҳалқа атрофида бутун дунёда энергия тақчиллиги шароитида яқин йилларда Евроосиё ва жаҳон келажаги учун ҳал қилувчи роль ўйнайдиган энергия захиралари мавжуд.

XXI асрнинг қиёфасини шубҳасиз белгилаб берадиган бу куч марказлари ана шу минтақада ўз манфаатларини излайди. Евроосиё марказлари туташган ерда жойлашган бизнинг ҳудудимиздан, бутун минтақа ҳудудидан ислом дунёсининг Туркия, Покистон, Эрон ва Саудия

Арабистони каби қудратли мамлакатлари ҳам, юқоридаги кучлар каби, ўз манфаатларини излайди.

## 2.2. Минтақавий можаролар

Икки мафкуравий тузумнинг кураши ва бу ку-рашнинг халқаро ҳаётнинг ҳамма соҳаларига соя таш-лаши остида ўтган кучли қарама-каршилиқ барҳам топди. Аммо шундан кейин ҳам бизни қуршаб турган дунё, куплар кутганидек, осойиштароқ бўлиб қолгани йўқ. Унда можаролар камаймади. Дунёда янги тартибларни шакллантириш жараёни минтақа-лар даражасидаги ва минтақалар ичидаги эскидан сақланиб келаётган, зимдан тутаб ётган, ҳар хил та-рихий, этник, сиёсий, диний ва бошқа сабабларга эга бўлган можароларнинг кескинлашуви билан бирга юз берди. Бу можаролар илгари икки тузумнинг дунё миқёсидаги қарама-каршилиги доирасида кўпинча у ёки бу кучлар кутбининг манфаатлари йўлида "бо-стириб келинган" эди. Бундан ташқари, янги мин-тақавий можароларнинг вужудга келиши ва уларга турли ташқи кучлар ўз жуғрофий-стратегик инти-лишлари доирасида жалб этилишидан иборат хавф-лар ҳам мавжуд.

Сўнги беш йил ичида машъум мазмунга эга "минтақавий можаро" деган ибора ҳамманинг қуло-ғига ўрнашиб, оддий бир ҳолга айланди. Минтақа-вий можаролар дунёнинг ривожланган минтақала-рига ҳам, ривожланаётган минтақаларига ҳам хос тус олди.

Телерепортёрларнинг ҳиссиз шарҳлари ва газеталарнинг жанговар тўқнашувларда рўй берган навбатдаги қурбонлар ҳақидаги катта сарлавҳалари ортида миллионлаб кишиларнинг тақдири, уларнинг дард-аламлари ва чекаётган жафолари кўмилиб кетмоқда. БМТнинг ҳозирги вақтда бутун дунёда қарийб 50 миллион қочоқ борлиги ҳақидаги сўнги маълумотлари кишини бефарқ қолдириши мумкинми? 1996 йилда бошқа мамлакатларда бошпана топган 13 миллион киши рўйхатга олинган. Фуқаролар уруши туфайли 30 миллионга яқин одам ўзи яшаб турган жойларини ташлаб, бошқа мамлакатларга қочоқ сифатида кетишга мажбур бўлган. Ўз чегараларидан узоқда бўлса-да, зўравонликка ва бутун-бутун халқларнинг қонли фожиаларига жамиятнинг кўникиб қолишидан ҳам

дахшатлироқ нарса борми ўзи? Муайян бир шахснинг ё тушуниб етмаслик, ёки хотиржамликка берилиши туфайли келиб чиқадиган бундай фуқаролик позициясининг хавфи очикдан-очик куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан кам эмас-ку, ахир. Бундай позиция мамлакатимиз фуқаролари ва раҳбарлари учун мутлақо номақбулдир.

40 йилдан бери уруш кетаётган АфҚонистондаги тангликнинг чуқурлиги ва кескинлигини, унинг минтақавий ва дунё миқёсидаги жўҚрофий-сиёсий жараёнларга таъсирини эътиборга олиб, бу фожиани кўлами ва хавфи жихатидан ҳозирги дунёнинг энг катта минтақавий можаролари жумласига киритиш мумкин.

Уруш жамият ва давлатнинг ҳолатига фалокатли таъсир кўрсатади. Бу - урушнинг табиий йўлдоши бўлган иқтисодий вайронгарчиликдангина эмас, балки миллатнинг келажаги учун муҳим аҳамият касб этувчи бошқа соҳаларда ҳам намоён бўлади. Қандай бўлмасин, ватандошлар ўртасида нифокни авж олдириш, ўз уйларини ташлаб кетишга мажбур бўлган қочоқлар оқими, жамиятда жиноятчи унсурларнинг кўпайиши, урушни пул топишнинг ягона манбаига айлантириш, миллатнинг генофондига путур етказиш, ёш авлодни ҳатто бошланҚич таълим олиш имкониятидан ҳам маҳрум қилиш шу халқнинг келажагини таъминлай олади дейишга кимнинг ҳам қурби етади ёки виждони йўл кўяди?

Шундай экан, минтақавий можаролар жамиятимиз фаровонлиги ва республикамиз тараққиёти учун қандай хавф туҚдирмоқда? Бир қарашда, Ўзбекистон чегараларига яқин жойларда юз бераётган барча низолар давлатимиздаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни сақлаб туришга бевосита алоқаси йўқдек туюлади. Бундан буён ҳам ташвишли ҳодисалар бизни четлаб ўз йўлидан ривожланаверади, барқарорлик ўз-ўзича сақланаверади, мамлакатнинг келажаги эса ўз-ўзидан таъминланган, дея фикр юритишни ҳам сиёсий, ҳам фуқаровий калтабинликдан бошқа нарса эмас, деб ҳисоблаймиз.

Инсоният цивилизациясининг ривожланиш тарихи, айниқса ҳар жихатдан бир-бирига боқлиқ бўлиб қолган ҳозирги дунё шароитида, шундан аниқ далолат бериб турибдики, алоҳида олинган бир давлатдаги ҳар қандай можаро узок вақт давомида миллий чегаралар доирасида қолиб кета олмайди. Бир қанча сабабларга кўра бундай можаро назорат қилиб бўлмайдиган даражада ёйилиб кетиши муқаррар. Бу эса эртами, кечми кўшни давлатлар олдига барча салбий оқибатлари билан бирга қатор муаммоларни кўндаланг қўяди. Ўатто минтақадаги вазиятни беқарорлаштириш даражасигача бориб етади. Шу нуқтаи назардан караганда, можаронинг яширин ва ошкора байналмилаллашуви тангликни чуқурлаштиради. Чунки турли мақсадларни кўзлайдиган ва танглик чиққан ҳудудда ўз манфаатларини таъминлашга интиладиган ташқи кучлар ҳамма вақт шай туради.

Минтақадаги ҳар бир давлат этник жихатдан ранг-баранг бўлгани сабабли, ҳар қандай танглик кескинлашиб, кўшни мамлакатлар фуқаролари ўртасидаги тотувлик ва барқарорликка путур етказди. Айрим бузқунчи гуруҳларнинг зиддиятлар оловини ёқишга ва чегарадош давлатлар аҳолиси орасидаги кам сонли этник гуруҳлар миллий туйқуларини уйқотиш орқали уни кўшни мамлакатларга кўчиришга уриниши катта ташвиш туқдиради.

Ҳозирги замон тарихи шуни яққол кўрсатмоқдаки, ўзларининг сиёсий ва бошқа мақсадлари йўлида миллий масалани дастак қилиб олишга интиладиган кучлар, энг аввало, одамларни юксак даражада сафарбар этадиган ҳиссиётларга умид боқлайдилар. Кейинчалик уларни ҳар қандай сиёсий донишмандлик ва соқлом фикрни инкор этадиган жангари тажовузкорлик йўлига буриб юбориш мумкин, деб ўйлайдилар.

Масалан, Афқонистондаги уруш мамлакатнинг шундоқ ҳам яхши ривожланмаган иқтисодиётини бошдан-оёқ вайрон қилди. Бу уруш ҳозирги вақтда Марказий Осиё давлатларига "илиқ денгизлар"даги портларга чиқиш ва шу йўл билан жаҳон хўжалик алоқалари тизимига

қўшилиш имконини берадиган янги транспорт коммуникацияларини очиш йўлида асосий Қов бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, миллий иқтисодиётнинг ривожланишини секинлаштирмоқда. Чунки самарали мол айирбошлаш учун жуда қисқа ва барқарор транспорт коммуникациялари керак бўлиши ҳаммага маълум.

Қуролли можаро кескинлашган тақдирда чегараларни тан олмасдан, қўшни давлатлар ҳудудига "ёпирилиб кириш"га тайёр турган қочоқлар муаммоси вужудга келади. Одатда, бу оқимда чегара орқали нон ва бошпана топишнигина эмас, балки одамларнинг қалбига янги ҚулҚула солишни истайдиганлар ҳам кириб келади. Қочоқларни қабул қилувчи томон учун бу масаланинг табиий инсонпарварлик жиҳати билан бирга, иқтисодий томони ҳам мавжуд. Чунки қочоқларни жойлаштириш ва уларнинг кўп сонли, кечиктириб бўлмайдиган муаммоларини ҳал қилиш учун ўз бюджетидан қўшимча маблақлар қидириб топиш зарурияти беихтиёр пайдо бўлади.

### 2.3. Диний экстремизм ва фундаментализм

XX аср ажойиб илмий кашфиётлар асри, инсон Коинот сирлари кўйнига кириб бораётган аср, ахборот ва Ғоят улкан техникавий имкониятлар асри бўлди. Шу билан бирга бу асрнинг охири диний кадриятларнинг уйқониш даври, вазмин, беҳуда уринишлардан холи диний маънавиятга ўзига хос тарзда қайтиш даври бўлиб қолди.

Жаҳондаги энг йирик динлардан бўлган ислом ҳам шу каби ялпи интилишлардан четда қолгани йўқ. Аксинча, мусулмон дунёсида ва ҳатто ундан ташқарида ҳам сўнгги ўн йилликлар мобайнида рўй берган воқеалар жаҳон ҳамжамиятида "ислом овозаси" деб аталган ҳодиса ҳақида гапириш имконини берди.

Кўплаб сиёсатчилар, олимлар, журналистлар XX аср охирида юз берган, "ислом уйқониши", "қайта исломлашиш", "ислом феномени" ва бошқа турли-туман номлар билан аталган ҳодисанинг сабабларини тушунтириб беришга ҳаракат қилдилар. Бу тушунчалар ҳақида мунозарага киришмаган ҳолда, эътиборни жаҳон ҳамжамияти ҳаётида ислом кадриятларини тиклаш байроқни остида рўй бераётган ҳодисалар Ғоят хилма-хил, кўп қиррали, баъзан зиддиятли ва ҳатто қарама-қарши қутбли эканлигига қаратмоқчиман.

Шу билан бирга, аниқ-равшанки, жаҳон жамоатчилиги бу жараёнларга жуда катта қизиқиш билан қарабгина қолмаяпти. Унинг диний экстремизм ва фундаментализм каби кескин ҳодисалар муносабати билан безовталанаётгани, баъзан эса ҳатто хавфсираётгани ҳам кўзга ташланмоқда. Афсуски, ҳозирги замон тарихида ана шу ўта кескин кўринишлар жиддий можароларни, зиддиятларни келтириб чиқариши, барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солиши мумкинлиги инсониятни чўчитяпти. Шундан дарак берувчи фикрлар анча-мунча тўпланиб қолган. Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг хавфсизлигини таъминлаш зарурлиги нуқтаи назаридан қараганда, бу ҳодисалар бизда ҳам жиддий ташвиш туқдирмоқда.



Диний экстремизм ва фундаментализм бизнинг минтақамиз учун туқдириши мумкин бўлган хавф-хатарларни бевосита таҳлил қилишга киришишдан олдин эътиборни одамларнинг диний эътиқодлари билан боқлик ҳар қандай муаммо Ғоят нозик эканлигига, уларнинг диннинг маънавий қадриятлари билан шиорлардан, хусусан, исломни қайта тиклаш шиоридан фойдаланаётган муайян кучлар кўзлаётган, динга алоқаси бўлмаган сиёсий ва бошқа тажовузкор мақсадлар ўртасидаги фарқни тушуниб олишларига эришиш зарурлигига қаратишни истардим.

Дин, шу жумладан ислом дини ҳам минг йиллар давомида барқарор мавжуд бўлиб келганлигининг ўзиёқ у инсон табиатида чуқур илдиз отганлигидан, унинг ўзига хос бўлган бир қанча вазифаларни адо этишидан далолат беради. Энг аввало, жамият, гуруҳ, алоҳида шахс маънавий ҳаётининг муайян соҳаси бўлган дин умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олган, уларни жонлантирган, ҳамма учун мажбурий хулқ-атвор қоидаларига айлантирган. Маданиятга катта таъсир кўрсатган. Инсоннинг одамлар билан баҳамжиҳат яшашига кўмаклашган ва кўмаклашмоқда.

Бинобарин, дин одамларда ишонч ҳиссини мустаҳкамлаган. Уларни поклаб, юксалтирган. Ўаёт синовлари, муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтишларида куч бақишлаган. Умуминсоний ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан авлодга етказишга ёрдам бериб келган. Баъзи вақтларда эса бунинг бирдан-бир чораси бўлган. Бундай хулосалар чиқаришга, ота-боболаримизнинг дини бўлмиш ислом дини мисолида айтиш учун ҳамма асосларга эгамиз. Шунинг учун ҳам дин инсоннинг ишончли ҳамроҳи, одамзот ҳаётининг бир қисми бўлиб келмоқда.

Афсуски, инсоният тарихида диний онгнинг ажралмас қисми бўлган одамлардаги эътиқоддан фақат бунёдкор куч сифатида эмас, балки вайрон қилувчи куч, ҳатто фанатизм (ўта кетган мутаассиблик) сифатида фойдаланилганлигини кўрсатувчи мисоллар кўп. Фанатизмнинг ўзига хос хусусияти ва кўринишлари авваламбор ўз динининг ҳақиқийлигига ўта

каттик ишониш, бошқа диний эътиқодларга мурасасиз муносабатда бўлишдан иборатдир.

Адолат юзасидан шуни эътироф этиш керакки, диний фанатизмнинг "отилиб чиқиши"га соф диний зиддиятлардан кўра кўпроқ ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий муаммоларнинг ҳал қилинмаганлиги сабаб бўлади. Аслини олганда, айна шу муаммолар бошқача фанатизмни, дейлик, большевистик, миллатчилик руҳидаги фанатизмни келтириб чиқаради.

Коммунистик мафкура маънавий қашшоқлиги, фанатизми ва миллатларга қарши қаратилганлиги билан шўро ҳокимиятидан кейинги маконда диний фундаментализм ва анъанавийлик учун шароит яратди. Ислом динидагина эмас, балки яҳудолик, христиан конфессиялари - Рус православ, Рим-католик, Арман-григориан, Лютеран черковларида, баптистлик ва бошқа жамоаларда ҳам шу ҳол рўй берди.

Собиқ СССРдаги ҳукмрон коммунистик партиянинг жиловбардорлари диний жамоаларни халқларнинг ақл-идрокини эгаллаш учун курашда ўзларининг рақиби деб ҳисоблар эди. Улар ўзининг бутун фаолияти давомида динни камситиш, руҳонийларни йўқотиш ва омон қолганларини бўйсундириш учун энг кескин чораларни кўрган эди. Дин сунъий равишда мафкуравий курашнинг ўта қизқин жабҳаларидан бирига айлантириб қўйилган эди. Ислом динининг ўн минглаб мўътабар руҳонийлари қатақон қилинди. Минглаб мачитлар ва юзлаб мадрасалар бузиб ташланди. Бу обидаларнинг кўпчилиги халқимиз учун, инсоният цивилизацияси учун бебаҳо меъморий ва тарихий қадрият ҳисобланар эди. Диндорлар оммасининг аксарият кўпчилиги 90-йилларнинг ўрталарига қадар Қуръони каримдан баҳраманд бўлолмаган эдилар.

Мазкур сабабларга кўра, Марказий Осиёдаги исломий маърифат тақиқлаб қўйилган собиқ совет республикаларида чин маънодаги билимдон ислом мураббийлари камайиб кетган эди. Натижада ҳар хил хурофий ирим-сиримлар, баъзан жаҳолатпараст удумлар ривож топди. Бундай "чаламуллалар" ҳозирги кунда баъзан энг олий ҳақиқатни фақат

уларгина билишларини, уни бутун аҳолига зўрлаб қабул қилдиришни ва одамларнинг тақдирини ҳал этиш ҳуқуқини даъво қилиб чиқмоқдалар.

Биз Ўзбекистонда ҳозир ҳам, келгусида ҳам совет даврининг салбий тажрибасига, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида гувоҳи бўлганимиз янги хатоларга йўл қўйишни хоҳламаймиз.

Ўзбекистонга нисбатан ислом фундаментализми - ақидапарастликнинг таҳдиди нималарда намоён бўлмоқда?

Ақидапарастликни ёйиш орқали диндор мусулмонларнинг ислоҳотчи давлатга ишончини йўққа чиқаришда кўринмоқда. Яхшилик йўлидаги ўзгаришларнинг устувор шартлари бўлган барқарорликни, миллий, фуқаролараро ва миллатлараро тотувликни бузиш йўлидаги уринишларда намоён бўлмоқда. Ақидапарастларнинг мақсади демократияни, дунёвий давлатни, кўп миллатли ва кўп динли жамиятни обрўсизлантиришдан иборатдир.

Мамлакат минтақалари аҳолиси ва ижтимоий қатламлар ўртасида "ҳақиқий" ва "сохта" диндорлик белгилари бўйича қарама-қаршилик келтириб чиқаришда кўринмоқда. Бундай ҳол Жазоирда, АфҚонистонда миллатларнинг парчаланиб кетишига олиб келди.

Ўзбекистоннинг жанубий чегараларидаги қўшни мамлакатларда фуқаролар уруши тўхтамай, давом этиб келаётганлигида намоён бўлмоқда. Бу ҳолат ўзларини чин мусулмон, дин учун курашувчилар деб ҳисоблайдиган, мудҳиш тасаввурларини халқимизга зўрлаб қабул қилдиришни истайдиган террорчилар, жангариларнинг янгидан-янги авлодларини вужудга келтирмоқда.

## 2.4. Буюк давлатчилик ва агрессив миллатчилик

XXI аср бўсақасида янги мустақил давлатлар жуда катта ички ва ташқи қийинчиликларга дуч келмоқда. Улар мавжуд муаммоларнинг ечимини, ички манбалар ва имкониятларга таянган ҳолда ва шу билан бирга, жаҳон ҳамжамиятининг манфаатдор иштирокидан изламоқда. Айни вақтда улар билан қўшни давлатлар ўртасида гуманитар, ахборот айирбошлаш, иқтисодий соҳалар ва бошқа жиҳатлар ҳамда йўналишларда кўп асрлик умумий алоқалар мавжуд. Шу туфайли уларнинг ўзаро ҳамкорлик қилиш истаги ва интилишлари табиийдир. Бу ўринда биз СССР парчаланиб кетганидан кейин пайдо бўлган ана шу мураккаб муаммонинг биронта жиҳатига юзаки қарашга ҳақли эмасмиз.

Нафақат ёш давлатларнинг эътибор беришини, балки, энг аввало, халқаро иштирокни талаб этадиган муаммолар жумласига биринчи навбатда империяча фикрлаш ва хулқ-атворнинг хуружлари туфайли келиб чиқаётган муаммоларни киритиш лозим.

Бу инсоният тарихида асло янги ҳодиса эмас. Зотан, тарихда айрим йирик давлатлар ва кўп сонли халқларнинг атрофдаги мамлакатлар билан ўз муносабатларини устунлик ва мумтозлик нуқтаи назаридан амалга оширишга интилганлигини кўрсатувчи мисоллар жуда кўп. Бундай ёндашув кўп марталаб кенг кўламдаги тўқнашувларга, қонли урушлар ва можароларга олиб келган. Бутун-бутун халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда ишончсизлик ва шубҳа туқдирган. Афсуски, улар баъзан авлоддан-авлодга ўтиб келган.

Ушбу тарихий тажриба шундан сабоқ берадики, катта сиёсатга интилаётган, бошқа халқларни камситиш ва чеклаш асосида ўз халқига фаровонлик яратиб беришга ва шу ҳолатни сақлаб туришга ҳаракат қилаётган сиёсатчилар ва шахсларнинг хатти-ҳаракатларини ҳеч қандай олижаноб ниятлар ҳам оқлай олмайди. Шунга қарамай, ҳозирча бундай хуружлар мавжуд ва жуда сезиларли. Уларни эсдан чиқармаслик ва хушёр туриш зарур.

Тарихий тажрибага асосланиб, бу ҳодисани муайян кучлар ва давлатлар томонидан бўладиган сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий ҳукмронлик деб ёки миллатлараро ва давлатлараро, минтақавий муносабатларда унга интилиш деб таърифлаш мумкин.

Шовинизм баъзи кўп сонли миллатларнинг нафақат кўп миллатли империя доирасида, балки уни ўраб турган жўқрофий-сиёсий маконда ҳам ўзининг мутлақ ҳукмронлигини ўрнатиш учун курашида намоён бўлади.

Бизнинг ўлкамиз ҳам ана шундай қисматдан қочиб қутулолмади. У ҳам узоқ вақт давомида ҳукмрон шовинистик ва агрессив миллатчилик Ғояларининг бутун жафоларини тортиб келди. Ўзбекистон Россия империяси, сўнгра эса Совет империяси таркибида мажбуран ушлаб турилган мураккаб даврни бошидан кечирди. Бу давр ҳозирги пайтда турлича, баъзан бир-бирини истисно этадиган тарзда талқин қилинмоқда.

Империя буюк давлатчилигининг партияси ҳокимият тепасидан кетгач, буюк давлатчилик шовинизми ҳам ўтмишда қоладигандек бўлиб кўринган эди. Бироқ ҳаёт бу умидларга ташвишли тузатишлар киритди.

Шовинизм билан агрессив миллатчиликнинг қоришмаси бўлган буюк давлатчилик бугунги кунда нималарда намоён бўлмоқда?

Энг аввало шундаки, муайян гуруҳга мансуб сиёсатчилар ва экспертлар ўз фикрлари ва хатти-ҳаракатлари билан ҳозирги дунёда собиқ Совет Иттифоқи Москва ва Россиядангина иборат бўлмаганлигини тушуниш ўсиб бораётганлигидан ҳафсалалари пир бўлганлигини ошкора кўрсатмоқдалар. Шунинг учун ҳам собиқ иттифоқдош республикалар ўз миллий-давлатчилик манфаатларини аниқ ифодалабгина қолмай, айна чоқда бу манфаатларни таъминлашга қаратилган тамомила мустақил сиёсатни ҳам амалга ошираётганликлари асабийлик билан ва ҳатто алам билан қарши олинмоқда.

Буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик таҳдиди ҳақида фикр юритганда биз қуйидаги хавфни назарда тутамиз:

Биринчидан. Халқаро, давлатлараро ва элатлараро карама-қаршиликни келтириб чиқариш;

Иккинчидан. Халқаро-ҳуқуқий ва ички давлат суверенитетимизни рўёбга чиқаришга қаршилик кўрсатиш;

Учинчидан. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларини чегаралашга, уларни тенг ҳуқуқли бўлмаган шароитга солиб қўйишга уриниш;

Тўртинчидан. Мамлакатимиз аҳолисига ахборот орқали ва мафкуравий йўл билан тазйиқ ўтказиш, жаҳон афкор оммасида Ўзбекистон ҳақида нотўғри тасаввур туқдиришга интилиш;

Бешинчидан. Агар буюк давлатчилик шовинизми билан экстремистик миллатчилик абадий ҳамроҳлар экани назарда тутиладиган бўлса, у ҳолда миллатлар ўртасида ўзаро ишончсизликни келтириб чиқариш, миллатлараро муносабатларни кескинлаштириш;

Олтинчидан. Янги мустамлакачилик ва янги империячилик ёндашувларини зўрлаб қабул қилдириш, ҳамма соҳалардаги ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликни секинлаштириш хавфи.

Буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчиликни танқид қилган ҳолда, биз собиқ Совет Иттифоқи ҳудудидаги давлатлар, аввало, Россия билан сифат жиҳатидан янги муносабатларни ривожлантириш тарафдоримиз. Биз бу мамлакатнинг реал манфаатлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, у билан тенг ҳуқуқли, чинакам шерикларча ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Чунки бизни бу мамлакат ва унинг буюк халқи билан кўп асрлик дўстлик, қардошлик ва ўзаро ёрдам ришталари боқлаб туради.

## 2.5. Этник ва миллатлараро зиддиятлар.

Маълумки, ҳозирги давлатлар асосан икки турга - полиэтник (кўп элатли) ва моноэтник (бир элатли) давлатларга бўлинади. Аниқланишича, сайёрамизда ўзининг бетакрор маданий ва маънавий қадриятларига эга бўлган 1600 дан ортиқ этник гуруҳ яшайди.

Дунёнинг ҳақиқий бойлиги, қадриятларни ўзаро айирбошлаш, бир-бирини бойитиш имконияти ана шу хилма-хилликдадир.

Аmmo ҳозирги замоннинг ҳал қилиниши мушкул бўлган муаммоларидан бири ҳам унга бориб тақалади. Дунёда яшаётган этносларнинг кўпчилиги ўз миллий давлатчилигига эга эмас. Дунё сиёсий харитасида атиги икки юзга яқин давлат борлиги ҳам бунинг далилидир.

Бу ҳол халқаро ҳамжамият учун бир огоҳлантириш бўлиб хизмат қилмоқчи даркор. Зеро, этник ўзлигини англашнинг ўсиши яна узоқ вақт давомида ҳозирги дунё сиёсий тараққиётининг динамикасини белгилаб туради.

Шу сабабли кўп миллатли ва кўп тилли мамлакатларда ўз давлатларига ном берган асосий миллат билан бу мамлакатларда истиқомат қилувчи этник озчилик ўртасидаги ўзаро муносабатлар ички сиёсий барқарорлик ва миллий хавфсизликнинг ҳал қилувчи шартларидан бири бўлиб қолмоқда.

Кўп миллатли давлатда этник гуруҳлар ўртасидаги ва миллатлар ўртасидаги муносабатлар миллий хавфсизлик тушунчасини шакллантирувчи таъсирчан омиллардан бири эканлиги аниқ бўла бошлади.

Этник гуруҳлар ўртасидаги ва миллатлар ўртасидаги муносабатларни уйқунлаштириш собиқ совет маконида янги мустақил миллий давлатлар қарор топаётган даврда, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу муносабатларнинг илдизи жуда узоқ тарихий даврларга бориб тақалади ва инсон қалбининг нақадар теранлигини акс эттиради. Уларнинг уйқунлигига эришиш ҳамма вақт азобли ва қийин кечади. Бу соҳадаги муаммоларни ҳал қилмаслик оқибатлари асрлар оша акс садо беради.

Зийраклик ва нозиклик билан ёндашишни талаб қиладиган бу масала кўп элатли давлатлар жумласига кирувчи Ўзбекистон Республикаси учун жуда долзарбдир. Бу ўлкада асосий миллат - ўзбеклар билан бир қаторда ўз маданияти ва анъаналарига эга бўлган юздан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилишади. Уларнинг мамлакат аҳолиси умумий таркибидаги улуши 20 фоиздан ошиб кетади.

Ижтимоий ва социал ўзаро муносабатлар жараёнидаги этник ва миллатлараро омилларнинг ўзи нима? Бизнинг ўзига хос шароитимизда улар хавфсизликка қай даражада таҳдид солмоқда?

Ўзбекистон аҳолисининг кўп миллатлилиги ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаши ва маънавий қайта тикланишининг ўсиши билан чамбарчас боқлиқ ҳолда жамиятни янгилаш, уни демократлаштиришга ундовчи зўр куч бўлиб хизмат қилмоқда. Бу республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун қулай шарт-шароит яратмоқда.

СССРда коммунистик мафқуранинг энг муҳим мақсади - аҳолини байналмилаллаштириш ҳамда "марказ"нинг "совет халқи" деган ўзига хос социал бирликни шакллантириш Ғоясини амалга ошириш чоқида барча миллий хусусиятлар асосий тўсиқ ҳисоблангани сир эмас.

Коммунистик идеологлар ва сиёсатчилар бу концепцияни илгари сурар эканлар, афтидан, одамларда миллий ўзлигини англаш туйқусининг ўсиш жараёнини атайлаб тажовузкор, сиёсий тус берилган миллатчилик билан алмаштириб қўйган эдилар. Шу тариқа одамларни қонуний равишда ўсиб бораётган (ва объектив сабабларга боқлиқ бўлган) миллий ўзлигини англаш эҳтиёжларидан чалқитиш мақсади кўзланган эди. Марказ иттифоқдош республикалар ва миллий чекка ўлкалардаги ўз эътиқодига кўра илқор ва ўз халқига садоқатли бўлган кишиларни "миллатчилик"да айблаб, қатақон қилганди. У мажбуран "байналмилаллаштириш", миллий хусусиятларни йўқ қилиш ниятида бўлган ва ўзининг империяча манфаатларига мос тушувчи "кўп миллатли" бирликнинг вужудга келиш жараёнини жадаллаштиришга интилган эди. "Халқлар ва миллатларни



яқинлаштириш"дан иборат бундай сунъий жараён жамиятдаги "миллатчилик" деб аташ расм бўлган яширин ва ошкора қаршилик кўрсатиш ҳолларига олиб келган эди.

Аслида эса бу - теран миллий кадриятларни, одамларнинг ўзига хос хусусиятлари ва анъаналарини сақлаб қолиш йўлидаги табиий интилиш, ижтимоий, маънавий ва тарихий тараққиётнинг субъекти бўлган миллатни сақлаб қолишга қаратилган объектив, бутунлай асосли эҳтиёж эди. Ўар қандай миллат, у нақадар кичик бўлмасин - инсониятнинг бойлигидир ва ҳар қандай миллий бирликнинг, унинг тил, маданий ва бошқа хусусиятларининг йўқ бўлиб кетиши Ер юзидаги маданий ва генетик фонднинг, шахс имкониятларининг кашшоқлашувига олиб келади. Шу боис ҳар бир этник бирликни сақлаб қолиш унга мансуб одамларнинг энг муҳим мақсади бўлмоқчи керак.

Ва бу мақсад, биринчи навбатда, ушбу этник гуруҳларни ўз ичига олувчи ҳар бир алоҳида давлатнинг вазифасидир.

Айни маҳалда бир миллат ўз эҳтиёжлари ва манфаатларини бошқа миллатнинг ёки бошқа халқлар вакилларининг худди шундай интилишларини камситиш ҳисобига рўёбга чиқармаслиги лозим. Баъзи миллат, этнослар вакилларининг бошқаларга такаббурлик билан, менсимай муносабатда бўлиши каби ҳолатлар юзага чиқиши мумкин бўлган ҳар қандай шароитга барҳам бериш лозим.

Ҳозирги кунда совет тузумидан кейинги Марказий Осиё давлатлари худудида 100 дан ортиқ миллат ва элат яшамокда. Қарийб йигирма миллат вакиллари минтақага Сталин қатақонлари натижасида сургун қилиб кўчирилганлар сифатида келиб қолганлар.

Ҳозирги вақтда миллий ва бошқа ижтимоий ҳаракатлар, шу жумладан ёшлар ҳаракати, маданий, диний ҳаракатлар қайта жонланмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаги ҳавойилиқдан реал воқеликка, иқтисодий ва сиёсий вазиятни жиддий баҳолашга ўтишмоқда. Бу эса мазкур ҳаракатларни ўзлари олқа сураётган қатъий ва кескин талаблар,

шартларни қайта кўриб чиқишга ҳамда улардан воз кечишга, Гоявий ва ташкилий жиҳатдан ўзларини қайта қуриб, кибр-ҳавога асосланган, оломонбоп, тор сиёсий манфаатларни енгишга мажбур қилмоқда.

Ўзининг таркиби ва мазмуни жиҳатидан хилма-хил халқлар бирлигидан ташкил топган бизнинг жамиятимизда миллатлараро тотувликни сақлаб қолишга Ўзбекистон фуқароларининг тенг ҳуқуқлилиги билан боқлиқ ҳамма муаммоларни ҳал этадиган қонунчилик базаси ёрдам бермоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида: "Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади",- деб таъкидланади. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни Ўзбекистон Республикасининг ҳамма фуқароларига "ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкый мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машқулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар" тенг сайлов ҳуқуқини беради.

Ўзбекистон худудида яшайдиган этник озчиликнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат концепцияси Ўзбекистон Конституциясида яққол кўзга ташланади. Унда айтилганидек, "Ўзбекистон Республикаси ўз худудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари хурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади".

Шу муносабат билан миллий уйқониш жараёнлари фақат ўзбеклар орасидагина кечиб қолмаётганлигини таъкидлаш лозим. Ўзбекистонда яшаётган бошқа миллатларнинг вакиллари орасида ҳам этник-маданий асосларда жипслашиш жараёнлари фаол юз бермоқда.

1989 йилдаёқ жамоат ташкилотлари - миллий-маданий марказлар тузила бошлаган эди. Ўозир республикада 80 дан ортиқ марказ ишлаб турибди. Улар Ўзбекистоннинг кўп миллатли жамиятини сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий жиҳатдан қайта қуриш жараёнида ижобий

роль ўйнамоқда. Халқнинг бирлиги, жипслиги ва осойишталиги ҳақида гапирар эканмиз, бу - бизнинг бебаҳо бойлигимиз, дея таъкидлаймиз.

Бизнинг жамиятимиз этник гуруҳлар ва миллатлар ўртасида шу ҳудудда яшайдиган ҳар қандай одамга ўзини эркин ва тенг ҳуқуқли деб ҳис қилиш имконини берадиган ўзаро муносабатлар ўрнатилишига интиломоқда.

Ҳар қандай миллатнинг, шу жумладан ўзбек миллатининг ҳам бирлиги унинг бошқа суверен давлатларда, хусусан, Марказий Осиё мамлакатларида яшаётган ўз этник қардошлари билан яқиндан муносабатда бўлишини ҳам назарда тутди.

Статистика маълумотларининг тасдиқлашича, ҳозирги кунда анчагина ўзбеклар Ўзбекистондан ташқарида яшамоқдалар. Масалан, Тожикистонда жами аҳолининг 24,4 фоизини, Қирқизистонда - 13,8 фоизини, Туркманистонда - 9,0, Қозоқистонда - 2,5 фоизини ўзбеклар ташкил этади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Марказий Осиёнинг суверен давлатлари ўртасида чуқур, ҳар томонлама ўзаро алоқалар ўрнатиш ва минтақада мустаҳкам хавфсизлик тарафдоридир. Интеграциянинг ижобий натижалари миллатлар ўртасидаги мулоқотга ва минтақавий хавфсизликка ёрдам беради.

"Туркистон - умумий уйимиз" Ғоясига асосланган ўзаро муносабатлар концепциясини илгари сураб эканмиз, минтақада ҳам, унга қирадиган айрим давлатларда ҳам инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тартибга солинишини истаймиз.

## 2.6. Коррупция ва жинойтчилик

Ҳар бир давлат тарихида янги ижтимоий сифат ҳолатига ўтиш, афсуски, коррупция ва жинойтчилик каби жирканч ҳодиса билан бирга юз берган. Шу билан бирга, жинойтчиликнинг ўсиши нафақат ислохотлар йўлига жиддий тўсиқ, балки ўтиш даврида белгиланган мақсадларга эришишга ҳам қарши бевосита таҳдид туқдиради.

Ҳар бир мамлакат бу жараённинг шакллари ва суръатларини мустақил белгиламоқда. Уни жинойтчилар дунёсининг ҳалокатли таъсиридан ҳимоя қилишга интиломоқда. Бу ўринда гап ўқирлик, талон-тороғ, одам ўлдириш ва шахсга нисбатан зўравонлик қилиш каби жинойтлар устидагина бораётгани йўқ. Ўтиш даврида янги иқтисодий механизмлар шакллантирилаётган бир пайтда аҳолининг асосий кўпчилиги бозор шароитида яшашни эндигина ўрганаётганлигидан ва унинг объектив қонунларини пайқай бошлаганлигидан фойдаланиб, амалга оширилаётган иқтисодий жинойтлар тоифаси катта хавф туғдиради.

Жамиятда жинойт "хуфёна иқтисодиёт"нинг мавжуд бўлиши уюшган жинойтчиликни келтириб чиқаради. Давлат ҳокимияти тузилмаларининг турли бўқинлари ва турли даражалари вакиллари ҳам унинг йўлдан оздирувчи таъсирига тушиб қолади. Коррупция вужудга келиб, у энг аввало уюшган жинойт тузилмаларга мададкор бўлиш ёки тўғридан-тўғри ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланади. Бу эса жинойтчилик ва коррупция жамиятга келтирадиган салбий оқибатлар туфайли жамият хавфсизлиги ва барқарорлигига тўғридан-тўғри таҳдиддир.

Жинойтчилик ва коррупциянинг авж олиши давлатнинг конституциявий асосларини емиради, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари жиддий тарзда бузилишига олиб келади. "Қонунлар ва фармонларни қабул қилишдан мақсад уларни четлаб ўтишдир" деган мутлақо ярамас қоида жамиятнинг энг оддий ҳуқуқий тартибот ва жамоат тартибини сақлаб туриш қобилиятидан маҳрум бўлишига олиб боради.

Башарти иқтисодиётда жиноий гуруҳлар ва "рекетчилар" тўдалари "базм курса", кўчаларда эса одамлар қўрққанларидан тасодифий ўткинчилардан кочиб юрсалар, жамиятдаги барқарорлик ва собитқадамлик ҳақида гап бўлиши мумкинми?

Жиноятчилик ва коррупция жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини емиради. Жамият аъзоларининг фуқаролик мавқеини йўққа чиқаради. Амалга оширилаётган ўзгаришларга салбий муносабат вужудга келиши учун шароит яратади. Ислоҳотлар Ғоясининг ўзини обрўсизлантиради ва эски замонларни, шу жумладан "қудратли марказнинг кучли қўли"ни қўмсаш хиссини туғдиради.

Нопок йўл билан бойлик орттирганлар жазодан қутулиб қолиш ва ўзларининг жиноий сармояларини ҳимоя қилиш учун ҳар қандай хатти-ҳаракатларга тайёр туришларини яхши билиб олиш лозим. Бундай кимсалар адолатли жазодан қўрқиб, ҳамма ишни қилишга, ҳатто вазиятни беқарорлаштиришга, оммавий тартибсизликларни келтириб чиқаришга шай турадилар. Бундай пайтда эҳтиросларни жунбушга келтириш, оломонни қўзқатиш ва унинг орқасига яшириниб олишдан қулайи йўқ. Бундай одамларнинг "Фақат бизга яхши бўлса, ишимиз битса - бўлгани" қабилидаги маслағи худбинликнинг, ҳамюртларига нисбатан сурбетларча лоқайдликнинг яққол кўринишидир.

Шундай қилиб, жиноятчилик, коррупция бизнинг ўз хавфсизлигимизга ҳам, халқаро хавфсизликка ҳам таҳдид солувчи реал манбадир. Бинобарин, мазкур ҳодисага қарши кураш масалалари биргина бизга тааллуқли эмас. Шунинг учун ҳам биз жиноятчилик ҳақида бутун жаҳон ҳамжамияти қайҚурмоҚи лозим, деб ҳисоблаймиз. Суверен Ўзбекистон халқи ва раҳбарияти эса улар билан фаол ҳамкорлик қилишга тайёр ва буни дунёни поклаш, унинг хавфсизлигини таъминлаш ишига қўшилган ҳисса, деб билади.

## 2.7. Экологик муаммолар

Миллий хавфсизликка қарши яширин таҳдидларни кўриб чиқар эканмиз, экологик хавфсизлик ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси алоҳида эътиборга моликдир. Очiq эътироф этиш керакки, узоқ йиллар мобайнида эски маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида бу муаммо билан жиддий шуқулланилмаган. Аниқроқ, бу муаммо айрим жонкуяр олимлар учунгина тадқиқот манбаи, ўз мамлакатларининг келажагига, табиий бойликлари сақланиб қолишига бeфapқ қарамаган, бу ҳақда қаттиқ ташвиш чеккан одамларнинг эса "қалб нидоси" бўлиб келган.

Бироқ уларнинг виждонга, фуқаролик бурчига, ниҳоят, ақл-идроққа даъватлари тўралашиб кетган совет-партия амалдорларининг совуқ, хатто айтиш мумкинки, сурбетларча лоқайдлигига дуч келаверган. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Табиий ва минерал-хом ашё захираларидан ваҳшийларча, экстенсив усулда, жуда катта харажатлар ва исрофгарчиликлар билан фойдаланишга асосланган социалистик хўжалик юритиш тизимининг бутун моҳиятига мамлакат ихтиёридаги беқиёс бойликларга авайлаб муносабатда бўлиш Гояси бутунлай ёт эди. Аксинча, бойликлардан бундай фойдаланиш икки тузумнинг иқтисодий мусобақасида мамлакатнинг асосий дастаги, экспорт имкониятларининг негизи бўлиб келди.

Иқтисодиётни ривожлантиришдаги бош мақсад экстенсив омилларга қаратилган эди. Табиийки, бундай шароитда яширин бойликлардан оқилона фойдаланишни тартибга соладиган, табиатнинг, атроф муҳитнинг ҳимоя қилинишини кафолатлайдиган бирон-бир меъёрлар ва қоидаларга риоя қилиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига арзимас даражада кам маблақ ажратиларди. Бу маблақ табиатга етказилаётган зарарнинг мингдан бир қисмини ҳам қопламас эди. Ўрмонлар ўйламай-нетмай, ваҳшийларча кесиb ташланар эди. Ёқилқи ва минерал-хом ашё захиралари реал эҳтиёж билан таққосланмаган ҳолда жуда кўп миқдорда қазиб олинганидан кўпчилик

кисми қайта ишланмаган чиқитлар сифатида уюлиб ётар эди. Табиатни муҳофаза қилувчи энг оддий тозалаш иншоотларига эга бўлмаган баҳайбат саноат корхоналари фаол бунёд этилди. Натижада барча захарли ва зарарли саноат чиқиндилари улкан ҳаво кенгликларини, сув ҳавзаларини, ер майдонларини ифлослантирадиган бўлди.

Ҳозир, XXI аср бўсақасида, фан-техника тараққиёти жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Дунёнинг жўқрофий-сиёсий тузилиши ўзгармоқда. Бундай шароитда инсон томонидан биосферага кўрсатилаётган таъсирни тартибга солиш, ижтимоий тараққиёт билан қулай табиий муҳитни сақлаб қолишнинг ўзаро таъсирини уйқунлаштириш, инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларида мувозанатга эришиш муаммолари борган сари долзарб бўлиб қолмоқда.

Экологик хавфсизлик кишилик жамиятининг бугуни ва эртаси учун долзарблиги, жуда зарурлиги боис энг муҳим муаммолар жумласига киради. Бу муаммолар амалий тарзда ҳал этилса, кўп жиҳатдан ҳозирги ва келгуси авлод турмушининг аҳволи ва сифатини белгилаш имкониятини беради. Иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш билан боқлиқ тармоқларини экологик жиҳатдан зарарсиз технология ёрдамида ривожлантиришни таъминлаш имконига эга бўлинади. Маълумки, табиатнинг ҳолати бирданига ва дарҳол ёмонлашиб қолмайди. Бу жараён узоқ вақт давом этади. Бошқача айтганда, экологик вазият аста-секин ёмонлаша боради.

Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир.

Марказий Осиё минтақасида экологик фалокатнинг Ғоят хавфли зоналаридан бири вужудга келганлигини алам билан очиқ айтиш мумкин. Вазиятнинг мураккаблиги шундаки, у бир неча ўн йилликлар мобайнида ушбу муаммони инкор этиш натижасидагина эмас, балки минтақада инсон ҳаёт фаолиятининг деярли барча соҳалари экологик хатар остида

қолганлиги натижасида келиб чиққандир. Табиатга қўпол ва такаббурларча муносабатда бўлишга йўл қўйиб бўлмайди. Биз бу борада аччиқ тажрибага эгамиз. Бундай муносабатни табиат кечирмайди. Инсон - табиатнинг хўжайини, деган сохта социалистик мафкуравий даъво, айниқса, Марказий Осиё минтақасида кўплаб одамлар, бир қанча халқлар ва миллатларнинг ҳаёти учун фожиага айланди. Уларни қирилиб кетиш, генофонднинг йўқ бўлиб кетиши ёқасига келтириб қўйди.

Республиканинг 447,4 минг квадрат километрдан ортиқ бўлган умумий майдонининг атиги 10 фоизинигина экин майдонлари ташкил этади. Айни чоқда Ўзбекистон эгаллаб турган майдоннинг анча қисмини Қорақум, Қизилқум, Устюрт каби чўл ва ярим чўл ерлар ташкил этади. Айниқса, қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланилаётган ер майдонларига тўғри келадиган демографик юк ҳозирнинг ўзидаёқ ўта салмоқли. Марказий Осиё мамлакатлари орасида Ўзбекистонда аҳолининг зичлиги айниқса юқори бўлиб, 1 квадрат километрга 51,4 киши тўғри келади, ҳолбуки, бу рақам Қозоқистонда - 6,1, Қирқизистонда - 22,7, Туркманистонда - 9,4 ни ташкил этади. Республикамизда ҳар бир одамга 0,17 гектар экин майдони тўғри келса, Қозоқистонда - 1,54, Қирқизистонда - 0,26, Украинада - 0,59, Россияда 0,67 гектар экин майдони тўғри келади. Барча аҳолининг ярмидан кўпроқи қишлоқ жойларда яшаётганлигини ҳисобга олсак, дадил айтиш мумкинки, бизнинг қишлоқларимизда инсоний захираларнинг нисбий ортиқлиги эмас, балки мутлақ ортиқлиги яққол кўзга ташланади.

Бизда аҳолининг ўсиши нисбатан юқори бўлиб, урбанизация ва ҳосилдор ерларни шаҳарларни ривожлантиришга, уй-жой қурилишига, янги корхоналар, муҳандислик ҳамда транспорт коммуникациялари тармоқини барпо этишга ажратиб бериш жараёнлари жадал бормоқда. Шунини ҳисобга олсак, яқин йиллар ичида, ҳатто ХХІ аср арафасидаёқ ер захиралари билан таъминланиш муаммоси янада кескинлашиши мумкин.



Ўзбекистоннинг экологик хавфсизлиги нуқтаи назаридан қараганда, сув захираларининг, шу жумладан ер усти ва ер ости сувларининг кескин тақчиллиги ҳамда ифлосланганлиги катта ташвиш туқдирмоқда. Республиканинг дарёлари, каналлари, сув омборлари ва ҳатто ер ости сувлари ҳам ҳар тарафлама инсон фаолияти таъсирига учрамоқда.

Суқориладиган ҳудудларда сув табиатнинг бебаҳо инъомидир. Бутун ҳаёт сув билан боқлиқ. Зотан, сув тамом бўлган жойда ҳаёт ҳам тугайди. Шундай бўлсада, Марказий Осиёда сув захиралари жуда чекланган. Йилига 78 куб километр сув келтирадиган Амударё ва 36 куб километр сув келтирадиган Сирдарё асосий сув манбаларидир.

Ҳозирги вақтда халқ хўжалигида Орол денгизи ҳавзасининг барча сув захираларидан тўла-тўқис фойдаланилмоқда.

Орол денгизининг қуриб бориш хавфи Ғоят кескин муаммо, айтиш мумкинки, миллий кулфат бўлиб қолди. Орол денгизи муаммоси узоқ ўтмишга бориб тақалади. Лекин бу муаммо сўнгги ўн йилликлар мобайнида хавфли даражада ортди. Марказий Осиёнинг бутун ҳудуди бўйлаб суқориш тизимларини жадал суръатда қуриш кўплаб аҳоли пунктларига ва саноат корхоналарига сув бериш баробарида кенг кўламдаги фожиа - Орол ҳалок бўлишининг сабабига ҳам айланди. Яқин-яқинларгача чўлу саҳролардан тортиб олинган ва суқорилган янги ерлар ҳақида дабдаба билан сўзланарди. Айтиш чокда ана шу сув Оролдан тортиб олинганлиги, уни "жонсизлантириб қўйилганлиги" ҳаёлга келмасди. Эндиликда Оролбўйи экологик кулфат ҳудудига айланди.

Орол танглиги инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фожиалардан биридир. Денгиз ҳавзасида яшайдиган қарийб 35 миллион киши унинг таъсирида қолди.

Биз 20-25 йил мобайнида жаҳондаги энг йирик ёпиқ сув ҳавзаларидан бирининг йўқолиб боришига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бироқ бир авлоднинг кўз ўнгида бутун бир денгиз ҳалок бўлган ҳол ҳали рўй берган эмас эди.

1911-1962 йилларда Орол денгизининг сатҳи энг юкори нуқтада бўлиб, 53,4 метрни, сувнинг ҳажми 1064 куб километрни, сувнинг юзаси 66 минг квадрат километрни ва минераллашув даражаси бир литр сувда 10-11 граммни ташкил этган эди. Денгиз транспорт, балиқ хўжалиги, иқлим шароити жиҳатидан катта аҳамиятга эга бўлган. Унга Сирдарё ва Амударёдан ҳар йили деярли 56 куб километр сув келиб қуйилар эди.

Оролнинг сатҳи 20 метр пасайиши натижасида у энди яхлит денгиз эмас, балки иккита қолдиқ кўлга айланиб қолди. Унинг соҳиллари 60-80 километрга чекинди. Амударё билан Сирдарёнинг дельталари жадал суръатлар билан бузилиб бормоқда. Денгизнинг сув қочган туби 4 миллион гектардан ортиқроқ майдонда кўриниб қолди. Натижада яна битта "кўлбола" кумли-шўрхок сахрога эга бўлдик. Шамол Орол денгизининг қуриб қолган тубидан туз ва чанг-тўзонни юзлаб километрга учириб кетмоқда.

Оролнинг қуриб қолган тубидаги чанг бўронлари 1975 йилдаёқ космик тадқиқотлар натижасида аниқланган эди. 80-йилларнинг бошларидан буён бундай тўфонлар бир йилда 90 кун давомида кузатилмоқда. Чанг-тўзон узунлиги 400 километр ва эни 40 километр майдонга етиб бормоқда. Чанг бўронларининг таъсир доираси эса 300 километргача етмоқда. Мутахассислар берган маълумотларга қараганда, бу ерда ҳар йили атмосферага 15-75 миллион тонна чанг кўтарилади.

Орол денгизининг қуриб бориши ва шу жараён туфайли Оролбўйи минтақасидаги табиий муҳитнинг бузилиши экологик фожиа сифатида баҳоланмоқда. Чанг ва туз бўронларининг пайдо бўлиши, фақат Орол бўйида эмас, балки денгиздан анча наридаги бепоён ҳудудларда ерларнинг чўлга айланиши, иқлим ва ландшафтнинг ўзгариши - булар ана шу фожиа оқибатларининг тўлиқ бўлмаган рўйхатидир.

Орол фожиасини 70-йилларнинг бошларида, жуда кечи билан 80-йилларнинг бошларида, денгизнинг сатҳи унчалик пасаймаган бир пайтда идора қилиш мумкин эди. Ўозирги вақтда уни бошқариш жуда мураккаб

бўлиб қолди. Кейинчалик эса бу жараён яна ҳам мушкуллашади ёки умуман бошқариб бўлмайдиган ҳолга келади.

Орол бўйида денгизнинг қуриб бориши муносабати билан халқаро, кенг кўламли аҳамиятга молик бўлган экологик, ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммоларнинг мураккаб мажмуи вужудга келди.

Орол денгизининг қуриб бориши ва минтақанинг чўлга айланиши билан боқлиқ экологик фожа бу ҳавзада яшаётган барча халқларнинг дарду аламидир.

Сув захиралари билан боқлиқ бўлган муаммолар мажмуаси кенг кўламли ва мураккаб кўп тармоқли ёндашувни, минтақадаги давлатлар билан халқаро ҳамжамият ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришни талаб қилади.

Орол муаммосининг бутун кескинлигини, уни сақлаб қолиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўриш зарурлигини тушунган ҳолда, Марказий Осиё республикаларининг ҳукуматлари, мутахассислари ва минтақанинг илмий жамоатчилиги, халқаро ташкилотлари 1995 йил 20 сентябрда Нукус шаҳрида Марказий Осиё давлатлари ва халқаро ташкилотларнинг Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш муаммолари бўйича Декларациясини қабул қилдилар. Декларация барқарор ривожланиш қоидаларига қатъий амал қилишни назарда тутуди ва эътиборни қуйидаги Ғоят муҳим муаммоларни ҳал қилишга қаратади:

- қишлоқ ва ўрмон хўжалигининг янада мувозанатли ва илмий асосланган тизимига ўтиш;

- сув захираларидан фойдаланишнинг тежамли усуллари ишлаб чиқиш, суқоришда ва атроф муҳитни муҳофаза қилишда такомиллашган технологияларни қўллаш воситасида ирригациянинг самарадорлигини ошириш;

- минтақанинг табиий захираларини комплекс бошқариш тизимини такомиллаштириш.

Пировард натижада Орол танглигини барқарор ривожланиш, бу минтақада яшаётган одамларнинг турмуш даражаси пасайиб кетишига йўл қўймаслик, келажакда ёш авлод учун муносиб турмушни таъминлаш тамойиллари асосида ҳал қилиш бўйича узоқ муддатли стратегия ва дастурни ишлаб чиқиш ҳамда рўёбга чиқариш зарур.

Тўртинчидан, ҳаво бўшлиқининг ифлосланиши ҳам республикада экологик хавфсизликка солинаётган таҳдиддир.

## **III-боб: И.А.Каримовнинг барқарорлик шартлари ҳақида назарий кўрсатмалари**

### **3.1. Маънавий қадриятларнинг тикланиши**

Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди.

Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аجدодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган Ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди.

Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз худудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида Ғоят муҳим ўрин тутди.

Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда. Ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланмоқда.

Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар, халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолдилар. Уларнинг номлари, жаҳон

цивилизацияси тараққиётига қўшган буюк ҳиссалари ҳозирги кунда бутун дунёга маълум.

Тарихий тажриба, анъаналарнинг мерос бўлиб ўтиши - буларнинг барчаси янгидан-янги авлодларни тарбиялайдиган кадриятларга айланиб қолмоқчи лозим. Бизнинг маданиятимиз бутун инсониятни ўзига ром этиб келаётган марказ бўлиб қолганлиги тасодифий эмас. Самарқанд, Бухоро, Хива фақат олимлар ва санъат ихлосмандлари учунгина эмас, балки тарих ва тарихий кадриятлар билан қизиқувчи барча кишилар учун зиёратгоҳга айланган.

Халқимизнинг этник, маданий ва диний сабр-бардоши маънавий Уйқонишнинг яна бир битмас-туганмас манбаидир. Минг йиллар мобайнида Марказий Осиё Ғоят хилма-хил динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган ва тинч-тотув яшаган марказ бўлиб келди. Этник сабр-тоқат, баҚрикенглик ҳаёт бўронларидан омон қолиш ва ривожланиш учун зарур табиий меъёрларга айланди. Ўатто бу ҳудудларни босиб олганлар ҳам Марказий Осиё халқларининг маданияти олдида бош эгибгина қолмай, унинг энг қимматбаҳо анъаналарини, шу ҳудудда мавжуд бўлган давлатчилик анъаналарини авайлаб қабул қилганлар.

Жамиятнинг диний-руҳий асосларини, халқимизнинг минг йиллик маънавий-ахлоқий юксалиш тажрибасини ўзида жамлаган Ислом маданиятини тиклаш ўз тақдирини ўзи белгилаш, тарихий хотирага, маданий-тарихий бирликка эга бўлиш йўлидаги Ғоят муҳим қадам бўлди. Эски масжидлар таъмирланмоқда ва янгилари бунёд қилинмоқда. Ўқув юртлари тармоқчи кенгаймоқда. Диний адабиётлар нашр этилмоқда.

Ислом миллий анъаналарининг, ислом маданиятининг Тикланиш жараёни исломни ташқаридан ҳар қандай "импорт" қилишдан воз кечиш, исломга сиёсий тус бериш ва сиёсатга ислом руҳини бахш этишдан воз кечиш тўғри эканлигини кўрсатди. Мовароуннаҳрнинг мусулмон маданияти этник сабр-тоқат ва баҚрикенглик руҳини ўзида акс эттирди. Унинг Форобий ва Ибн Сино асарларида ўз инъикосини топган идеали -

Фозил кишилар шаҳри нафақат диний асосда, балки маданий ва ахлоқий негизда ҳам уюшган одамларнинг ҳамжамиятидан иборат бўлганлиги тасодифий ҳол эмас. Конституциямизда ёзиб қўйилган динга эътиқод қилиш эркинлиги Ўзбекистон ёппасига "исломлаштирилиши" мумкинлиги ҳақидаги ноўрин ҳадиксирашларга барҳам берди. Бошқа диний оқимларнинг тикланиши ва нормал ривожланишини мумкин қилиб қўйди. Бундан ташқари, Марказий Осиёдаги ислом динининг руҳан ўзига хослигини англаб етиш маданий бойлигимизнинг бир қисми бўлмиш исломдан олдинги маданиятни чуқур ўрганишни тақозо қилади.

Маънавий кадриятларнинг яна бир қудратли манбаи анъанавий оила ва қариндошлик муносабатлари одобидан иборатдир. Катталарни ҳурмат қилиш, ўзаро ёрдамлашиш, келажак авлод ҳақида Қамхўрлик қилиш ҳамиша унинг асосий қоидалари бўлиб келган. Афсуски, бу кадриятларга ҳам совет даврида жиддий путур етди. Совет тузуми хусусий тадбиркорликни тақиқлаб, "яқинларини қўллаш"га қарши кураш баҳонасида оилалардаги ва қариндош-уруқ ичидаги касбий кўникмаларнинг мерос бўлиб ўтишини йўққа чиқарди. Оилалар ва уруқларнинг анъанавий касбий ва иқтисодий "ўрни" йўқотилишига сабабчи бўлди. Натижада бу кўникмалар ва ахлоқий нормалар тўсиққа учради. Уруқ-аймоқчилик ва ошна-оқайнигарчиликнинг ижтимоий бузук шакллари юзага кела бошлади. Шу билан бирга, қариндошларнинг ўзаро ёрдами баъзи ҳолларда жамият тараққиётини секинлаштириб қўядиган тайёрга айёрликка ва таниш-билишчиликка айланиб кетди.

Оила кадриятлари ва қон-қариндошлик муносабатларининг қайта тикланиши ўз умрини яшаб бўлаётган оила-уруқ муносабатларини абадийлаштиришни эмас, балки ҳар бир оиланинг иқтисодий, маданий ва касб жиҳатидан эркин бўлиш имкониятини англантиши лозим.

### **3.2. Демократик институтларни ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш.**

XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги инсоният тарихига буюк ўзгаришлар даври сифатида киради.

Биринчидан, муштамлакачилик ва ирқий камситиш тарихнинг йўқлик қаърига кетди. Социализм ва унинг бутун жаҳонни коммунистик мафкура воситасида босиб олишга бўлган даъволари ҳам ўтмишга айланиб бормоқда.

Иккинчидан, тарих сахнасига янги муштақил давлатлар чиқмоқда. Уларнинг овози жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари орасида борган сари дадил эшитилмоқда.

Учинчидан, кучларнинг анъанавий жойлашувида Осиё қитъаси мамлакатларининг роли тобора ортиб бораётганлигини ҳисобга олиб, унга тузатишлар киритишга мажбур бўлинмоқда. Бу мамлакатлар жаҳон тараққиёти тажрибасига ўз нуқтаи назарлари, меъёрлари ва кадриятларини олиб кирмоқда.

Тўртинчидан, демократик тараққиёт кадриятлари, тамойиллари ва меъёрлари тобора ҳаммабоп бўлиб бормоқда. Эндиликда уларнинг зарурлиги ва амалий таъсирини ҳеч қаерда инкор этиб бўлмайди. Шу билан бирга, демократия ва тараққиёт томон боришнинг ўзига хос йўллари борган сари катта роль ўйнамоқда.

Биринчи навбатда, жамиятда мавжуд манфаатлар ва муносабатларни мужассам ҳолда ифодаловчи ижтимоий-сиёсий институт бўлмоқчи лозим бўлган демократик, ҳуқуқий давлатнинг қарор топиш жараёнини кўрсатиб ўтиш даркор.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатни демократик йўлдан ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатидир.

Асосий Қонун демократик жамиятнинг қарор топишига қўшган жуда катта ҳисса шундан иборатки, у мавҳум жамият ёки умуман халқнинг эмас,



балки муайян инсоннинг эҳтиёжлари, манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларига қаратилгандир.

Биз учун фуқаролик жамияти - ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсунуш бир вақтнинг ўзида амал қилади, бир-бирини тўлдиради ва бир-бирини тақозо этади. Бошқача айтганда, давлатнинг қонунлари инсон ва фуқаро ҳуқуқларини камситмаслиги лозим. Шунинг баробарида барча одамлар қонунларга сўзсиз риоя қилишлари шарт.

Ўқимият тузилмаларининг демократик мазмуни кўп жиҳатдан давлатни бошқаришда фуқароларнинг иштирок этиши масаласи қанчалик ҳал қилинганлиги билан белгиланиши маълум. Ўзбекистонда ушбу ҳуқуқнинг амал қилиши учун қонун асослари яратилган. Бироқ ҳали жамият ва фуқаролар давлатни бошқаришда иштирок этиш, ўзлари қандай бошқарилаётганлиги ҳақида маълумот олиш ҳуқуқини англай бошлашига ва бу ҳуқуқдан фойдалана оладиган бўлишларига эришиш керак. Шундай шароитдагина давлат ва унинг институтлари, мансабдор шахслар жамият ва фуқаро олдигаги ўз масъулиятларини ҳис қиладилар. Бунинг учун фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш зарур. Барқарор, мустаҳкам тизимларда, агар фуқароларнинг сиёсий манфаатларини рўёбга чиқариш учун ҳамма ҳуқуқий, демократик шарт-шароитлар яратилган бўлса, аҳолининг ўзи ихтиёрий равишда, профессионал асосда мамлакатнинг сиёсий ҳаётида тобора кенг иштирок этади. Ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистонда фуқароларнинг сиёсий ҳаётда иштирок этишидек бу демократик жараён тобора кучайиб бормоқда.

Сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар халқ билан ҳокимият ўртасида асосий боқловчи бўқин бўлган демократик институтга тезроқ айланиши Ғоят муҳимдир.

Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий муаммоларига фуқаролар жонли қизиқиш билан қараганларида, улар у ёки бу партия ёхуд ҳаракатнинг фаолиятида маданиятли иштирок этганларидагина буни амалга ошириш мумкин бўлади.

Мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик жамоатчилик фикрининг ҳолатига етарли даражада боқлик бўлиб, уни шакллантиришда бошқа бир ижтимоий институтга - оммавий ахборот воситаларига муҳим ўрин берилади. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг оммавий ахборот воситалари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш зарурлиги борган сари аён бўлмоқда. Чунки ҳозирги чуқур ўзгаришлар, мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини демократиялаш суръатлари қаршисида оммавий ахборот воситаларининг фаолияти талабга жавоб бермаяпти.

Инсоният минг йиллар мобайнида ишлаб чиққан демократик кадриятларни тўла-тўқис ўзлаштириб олиш жамиятда ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим шартидир. Умумий тарзда демократия деганда ҳамманинг манфаатлари йўлида кўпчиликнинг ҳокимияти ва озчиликнинг иродасини ҳурмат қилиш тушунилади. Батафсил таҳлил қилинганда эса демократия - халқнинг ўз эркинлиги ва мустақиллигига қарашлари ҳам, ҳар бир шахснинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ўзбошимчалик билан чеклашлар ва шу йўсиндаги ҳаракатлардан ҳимоя қилиш ҳам, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш шакли ҳам эканлиги аён бўлади.

Жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон бор. Булар - халқ қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлигидир. Ўзукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир. Ана шу уч соҳада ҳақиқий силжишлар бўлмас экан, демократия ҳақидаги ҳамма гап-сўзлар ё халққа ҳушомад қилиш, ёки

оддий сиёсий ўйин бўлиб қолаверади. Бундай силжишлар эса бир кунда бўладиган иш эмас.

Индивидуализм ҳар бир кишининг психологиясига кириб боради, бевосита таъсир кўрсатади. Инсон табиатидаги онгли ва онгсиз хатти-ҳаракатларнинг ҳаммасидан фойдаланади. Ёшларнинг айрим қисми ўқишга, юксак касб маҳоратини эгаллашга интилиш ўрнига енгил-елпи ҳаётни излашга, бозорда савдо-сотик қилиб, мўмай даромад орқасидан қувиб, бозор муносабатларининг ибтидоий йўлларида фойдаланиб, мол-дунё орттиришга интилаётганлиги тасодифий эмас. Нигилизм, шафқатсизлик даражасига бориб етаётган худбинлик ҳоллари юз бераётганлиги ҳам тасодифий эмас. Буларнинг барчаси, бизнинг назаримизда, яна ўша индивидуализмнинг бузилган кўриниши, тарбиядаги нуқсонлар ва атроф муҳит таъсиридан бошқа нарса эмас.

Бунга қарши, ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чораларидан ташқари, яна қандай тадбирларни ишлаб чиқиш зарур?

Маълумки, мафкура соҳасида бўшлиқ, вакуум бўлмайди. Ўзбекистон халқларининг дунёқараши, маънавий ва сиёсий маданиятининг энг илқор анъаналари асосида ишлаб чиқилаётган миллий мустақиллик мафкураси индивидуализмнинг вайрон қилувчи таъсирига қаршилик кўрсатишга қодир.

## **IV-боб: Глобаллашув жараёнларида ғоявий-мафкуравий хавфсизликни таъминлашнинг объектив зарурлиги**

### **4.1. Хавфсизлик – объектив ижтимоий феномен**

Хавфсизлик тушунчаси ва унинг объекти ва субъекти. Хавфсизлик муаммоси мустақил давлатчиликнинг шаклланиши ва жамиятда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий манфаатларнинг қарор топиши билан бир вақтда вужудга келади. Чунки шу вақтдан бошлаб, барқарорлик, ривожланиш билан бир қаторда хавф – хатар, турли-туман таҳдидлар ҳам пайдо бўлиб, уларни ҳисобга олиш, уларга асосланиб, давлат стратегияси ва сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда амлга ошириш мамлакат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Хўш хавфсизлик нима? Хавфсизлик арабча «хавф-хатар» сўзидан олинган бўлиб, «қурқинч», «вахима», «адиксираш», «хавотиланиш» ларнинг йўқлиги, уларнинг олдини олиш деган маъноларнинг англатади. Бу тушунча Робер аълумотномасига кўра 1190 йилда пайдо бўлган ва у, дастлаб ўзини ҳар қандай хавф – хатардан ҳимояланган деб ҳисобловчи инсон руҳининг хотиржам ҳолатини ифодалаган. Ушбу маънода мазкур термин Ғарбий Европа халқлари лексиконида XVII асргача қўлланилган. Тарихинг кейинги давларида давлат тузулмаларининг шаклланиши билан боғлиқ равишда хавфсизлик тушунчаси моддий, сиёсий ва иқтисодий соҳаларда давлат қуилиши, бошқариш органлари тенденцияларига мос келадиган реал хавф-хатар (жисмоний ва маънавий) нинг йўқлиги натижасида вужудга келадиган тинчлик ҳолати шароити маъносини англатган.

XX асрнинг охирларига келиб, «хавфсизлик» ва «миллий хавфсизлик» тушунчалари бизнинг лексиконтмизда тез-тез қўлланила бошланди. Бу инсоният ривожланишининг мураккаблашуви, ядро, атом ва бошқа оммавий қирғин қуролларининг кен тарқалиши, экологик вазиятнинг өгирлашганлиги, янги хавли касалликларнинг вужудга келиши, терроризм хавфининг кучайиши, тоталитар тузум емирилгандан кейин

дунёнинг карама-қарши қутбларга бўлиниши барҳам топгандан кейинги давлатлар ўртасидаги мувозанатнинг бузулши, янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши, уларда бозор ислохотларининг амалга оширилиши билан изоҳланади. Дунёдаги бундай ўзгаришлар хавфсизлик, умумий ва миллий хавфсизлик муаммоларига бўлган эътиборни янада кучайтади.

«Хавфсизлик - бу шахс, жамият, давлатни ташқи ва ички хавф ва таҳдидлар ҳимоя қилиш ҳолати бўлиб, давлат, жамият ва кишилар фаолиятига суянади», - деб таъкидлайдилар. Умуман олшганда **хавфсизлик бу – бутун инсониятнинг нормал яшаши учун хавф соладиган табиий, ижтимоий – иқтисодий, сиёсий – ҳуқуқий маънавий - маданий аҳамиятга молик бўлган хавф-хатарларнинг олдини олиш туфайли уларнинг барқарор ҳаёт кечиришини таъминлаш учун яратилган хавфсиз шарт-шароитларнинг муайян тизимидир.**

Хавфсизлик қандай соҳада, қандай шакл ва қиёфада намоён бўлмасин, уларнинг барчаси умумийлик хусусиятига эгадир. Умуман, хавфсизлик хавф-хатардан ҳимояланиш шарти ва стратегияси сифатида ижтимоий тизим, шахс, жамият ва давлат ҳаёт - фаолиятининг нормал амал қилишни таъминлашга йўналтирилган бўлади.

Хавфсизликнинг субъектлари шахс, аҳоли, ижтимоий гуруҳлари, кишилар уюшмалари ҳамда бирлашмалари, давлат ва жамият ҳисобланади.

Хавфсизлик объекти инсон ҳаётиинг барча соҳалари, шу жумладан, шахсий – оилавий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий табиий соҳа ва жабҳаларни ўз ичига қамраб олади.

«хавфсизлик» ташкил этувчи тушунча сифатида қуйидагиларни ўзида акс эттиради:

- ҳаёт фаолияти субъектлари – шахс, шахс хавфсизлиги. Жамият, жамият хавфсизлиги, давлат, давлат хавфсизлиги;

- ҳаёт фаолияти объектлари – субъектларнинг муҳим ҳаётӣ манфаатларини қондиришни таъминлаш; ҳудуд, ҳудуд хавфсизлиги; иқтисодӣ, иқтисодӣ хавфсизлик; атроф-муҳит, атроф- муҳит хавфсизлиги ва бошқалар;

- объектлар – хавф манбалари: атроф муҳит – атроф – муҳитнинг экологик хавфсизлиги; саноат объекти – саноат объектининг хавфсизлиги, банк – банк хавфсизлиги ва бошқалар;

- объектлар – хавфсизлик воситалари: самалёт – самалётнинг хавфсизлиги, автомобиль – автомобилнинг хавфсизлиги; умуман, техника хавфсизлиги;

- ҳаёт хавфсизлиги жараёни: меҳнат хавфсизлиги; йўл ҳаракати – йўл ҳаракати хавфсизлиги ва бошқалар.

Мамлакат ҳамда унинг фуқаролари, жамият ва давлатнинг муҳим манфаатларини ташқи ва ички хавфлардан ҳимоялаш учун хавфсизликни кўйидаги турларга:

1) миллий хавфсизлик – бирон – бир элат, миллатга мансуббўлган давлатларнинг ички ва ташқи душманлардан ҳимояланиши;

2) минтақавий хавфсизлик – бирон - бир минтақада жойлашган давлатларнинг мустақиллигига хавф солаётган таҳдидлардан биргалашиб ҳимояланиши;

3) халқаро хавфсизлик – бутун дунё халқларининг ҳаётига хавф солаётган хавф-хатарлардан (масалан, ядровий фалокатлардан) жамоавий бўлиб ҳимояланиш кабиларга ажратиш мумкин. Тоифадаги турларга ажратиш мумкин. Шунга кўра **хавфсизликнинг мазмуни деб** хавфсизлик субъектлари ва объектлари ўртасида юз берадиган ички жараёнлари, хусусия - хоссалари, алоқалари, ривожланишлари ва зиддиятлари, тенденцияларнинг мажмуига айтилади. Масалан, бирон – бир шахснинг жумласига киради. **Хавфсизликнинг шакллари деб** эса юқорида баён қилинган мазмунни ифодалаш усули, элементларнинг нисбатан турғн,

муаян алоқалари ва ўзаро таъсирлари, унинг тузулиши, структурасига айтилади. Шунга кўра хавфсизликни қуйидаги шаклларга ажратамиз.

Булар қуйидагилардан иборат: ижтимоий хавфсизлик, иқтисодий хавфсизлик, сиёсий хавфсизлик, маънавий хавфсизлик, мафкуравий хавфсизлик, экологик хавфсизлик, шахс хавфсизлиги, ҳарбий хавфсизлик, ресурс хавфсизлиги, оила хавфсизлиги ва бошқалар. Демак, хавфсизлик кенг қамровли объектив ижтимоий феномен бўлиб, ўзини диалектиканинг умумийлик, хусусийлик, алоҳидалик категориялари тамойилларига кўра: хавфсизлик – умумий; миллий хавфсизлик – хусусий; ижтимоий хавфсизлик, иқтисодий хавфсизлик, сиёсий хавфсизлик, маънавий хавфсизлик, мафкуравий хавфсизлик, экологик хавфсизлик, шахс хавфсизлиги, ҳарбий хавфсизлик, ресурс хавфсизлиги, оила хавфсизлиги- алоҳиалик шаклида ўзини намоён қилади.

Булар ичида миллий хавфсизлик ҳар бир давлатнинг хавфсизлигини таъминлашнинг барча жиҳатларини ўзида қамраб олиши билан ажралиб туради.

## 4.2. Миллий хавфсизлик ва унинг таркиби тузилиши

Миллий хавфсизлик тушунчаси ва унинг хусусиятлари. Хўш, миллий хавфсизлик нима? Миллий хавфсизлик бу мамлакат ва унинг худудида яшайдиган барча инсонларнинг миллати, ирки, жинси, диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, турли салбий таъсирлардан, ёвуз куслар ва ғоялар хавф-хатаридан ҳимояланганлиги даражасидадир.

Миллий хавфсизлик тушунчаси кўп қиррали ва хилма-хил шаклларда намоён бўлади. Аммо шунга қарамай, миллий хавфсизлик тушунчаси қўйидаги хусусиятларга эга:

Биринчидан, миллий хавфсизлик аниқ тарихий мазмунга эга, яъни жамиятга қайси соҳаларда ва қандай даражада таҳдидларнинг вужудга кетаётганлигини аниқлашга қаратилган аниқ ҳолатлардаги аниқ таҳлилларни талап қилади.

Иккинчидан, миллий хавфсизлик бир-бирига зид ўлчамлар, жамиятга хавф соладиган таҳдидлар ва уларни бартараф этишни тавсифлайдиган ижтимоий – иқтисодий параметрлар ва кўрсаткичлар билан ифодаланади.

Учинчидан, миллий хавфсизлик муаммосининг аҳамияти кесиклиги жаҳон ҳамжамияти ҳамда айрим мамлакат, ҳудуд тараққиётининг бурилиш даврларида ғоят ўсиб кетади.

Тўртинчидан, миллий хавфсизлик тамойиллари ва параметрлари, кўрсаткичлари згарувчан ҳамда турли мамлакатларда ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Аммо шунга қарамасдан ҳар бир мамлакатнинг миллий хавфсизлиги инсониятнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётининг умумий тенденциялари билан боғлиқдир. Шунингдек, умумбашарий, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий муносабатлар тизимидаги ўзгаришлар миллий хавфсизликка таъсир ўтказиб туради.

Бешинчидан, миллий хавфсизлик тушунчасига миллий давлат манфаатлари ва миллия ғоя, миллий мафкура ҳам ўз таъсирини кўрсатади.



**Миллий хавфсизликнинг таркибий тузилиши ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари.** Миллий хавфсизлик ҳар бир мамлакатнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилади. Мамлакат манфаатлари эса учта муҳим мақсадга йўналтирилган бўлади: 1) халқ фаровонлигини ошириш; 2) мамлакат ҳаёт фаолиятини ва ҳудудини ҳимоя қилиш ҳамда обод этиш; 3) миллий маданиятни ривожлантириш. Демак мамлакатимизда миллий хавфсизлик миллий истиқлол мафкураси ифодаладиган умумий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда ташкил этилиб, қуйидаги таркибий тузилишга эгаллиги билан бошқа хавфсизлик тизимидан ажралиб туради. Бунда:

**Миллий хавфсизликнинг ўзининг таркибий тузилишига кўра:**

1) сиёсий хавфсизлик – мамлакат давлат бошқарувининг одилона фаолият олиб боришини таъминлаш;

2) ҳарбий – мудофаа хавфсизлиги – мамлакатимиз мустақиллигини ички ва ташқи душманлардан қуролли кучлар орқали ҳимоя қилиш, айти вақтда мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш;

3) иқтисодий хавфсизлик – мамлакатни иқтисодий жиҳатдан мустақил, барқарор ривожланишига қодирлигини белгилаш;

4) ахборот хавфсизлиги – мамлакат ҳаётининг барча соҳаларига қилинаётган ахборотлар ҳужумидан ҳимоялаш;

5) экологик хавфсизлик – табиатга зарар етказишнинг олдини олиш;

6) ғоявий, мафкуравий хавфсизлик - турли зарарли ғоя ва мафкураларнинг тажаввузкорана хатти – ҳаракатларига чек қуйиш каби чора-тадбирлар тизимидан ташкил топган бўлади.

Юқоридагилардан ҳам кўришиб турибдики, миллий хавфсизлик икки хил: биринчидан, жамоатчилик; иккинчидан, давлат даражасида амалга оширилади. Улар яна ўз ичида ички ва ташқи кўринишларга бўлинади. Миллий хавфсизликнинг асосини шахс, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ташкил қилади, чунки шахс-фуқаро давлат ва фуқаролик жамиятнинг хавфсизлигини таъминлашни ҳаётининг зарурат қилиб кўяди.

Шахс - фуқаро хавфсизлиги таъминланмаса – давлат ва жамият хавфсизлиги ҳам таъминланмай қолиб кетиши муқаррардир. Шу туфайли мамлакатимизнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш, нафақат давлат идора ва ташкилотларнинг, балки барча ватанпарвар шахс – фуқароларнинг ҳам муқаддас бурчидир. Келажак авлодлар олдидаги қарзи ва фарзидир.

#### **4. 3. Мафкуравий хавфсизлик ва уни таъминлаш механизмлари**

Мафкуравий хавф-хатар ва уларнинг юзага келиш ҳолатлари. Миллий маънавиятга, ғоя ва мафкурага қарши бўлган хавф-хатарларнинг юзага келиши нималар билан боғлиқлигини, унинг сабабларини аниқлай билиш лозим бўлади. Қандай сабаблар, омиллар ва воситалар миллий маънавият, ғоя ва мафкурага қарши хавф-хатарларнинг юзага келишига олиб келиши мумкин? Бу саволга жавоб беришдан олдин «хавф – хатар» ва «тахдид» тушунчалари устида қисқа тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

«Тахдид» турғунлик ҳолатидаги хавф-хатардир. Хавф-хатар эса «тахдид» нинг амалиётига айланиши, «ишлаши», нимагадир таъсир ўтказишининг бошланишидир. «Тахдид» нинг хавф-хатарга айланиши миллий маънавият, ғоя ва мафкурага нисбатан қўлланилганда унда ички ва ташқи емирилиш жараёни кечаётганини тушуниш мумкин. Зеро, «тахдид» хатарли куч бўлишига қарамасдан, агар амалиёт даражасига айланмаса, унинг таъсир ўтказиш мақомини англаб етиш мураккаблигича қолаи. Хавф-хатар доим ҳаракатда бўладиган жараён ҳисобланади. У «тахдид» нинг юзага келиши оқибатида содир бўлади. Хавф-хатарнинг бошида «тахдид» туради. Тахдидда турғунлик мавжуд бўлса, хавф-хатар ҳар доим ҳаракатдаги жараёндир. Бугун миллий маънавият, ғоя ва мафкурага қайси бир кучли таъсир ўтказмоқда, деган саволга жавоб излайдиган бўлсак, айтиш мумкинки, уларнинг ҳар иккаласи ҳам кучайгандан кучайиб бормоқда. Бунинг маъноси шуки, тахдид кучайиб боргани сари унга мос равишда миллий маънавият, ғоя ва мафкурага нисбатан хавф-хатар ортмоқда ҳамда уларни ичкаридан ва ташқаридан емиришга ҳаракат қилиш авж олмақда. Айни пайтда, улар бир – бири билан чамбарчас бўлиб, ягона куч сифатида амал қилмоқда.

Миллий маънавият, ғоя ва мафкурага нисбатан хавф-хатар куйидаги ҳолатларда: миллатнинг ўзгаларга қарамлик ҳолатига қолишида; миллий бирликнинг сусайишида; миллат вакилларининг ўз миллий маънавиятидан бегоналашувида; таълимнинг тарбиядан узилиб

қилишида; мамлакатда қонун устуворлигининг етарли даражада амал қилмаслиги ва коррупциянинг кучайишида; демократик кадриятлар ривожланишининг миллий тараққиёт эҳтиёжларидан орқада қолиши шароитида юзага келади.

Миллий – маънавий хавфсизлик. Миллий маънавият, ғоя ва мафкурамизга қаратилган ҳар қандай таҳдид ва хавф-хатарларнинг олдини олишда миллий – маънавий, ғоявий - мафкуравий хавфсизликни таъминлаш алоҳида ўрин эгаллайди. Бунда, миллий маънавий хавфсизлик. – миллий маънавиятнинг барқарор тараққий қилиши учун шарт-шароит, вазият, имкониятларнинг мавжудлиги, унинг ўзига хослигига зид бўлган турли маънавий, руҳий, ахлоқий ва эстетик таҳдидлардан ҳимояланганлиги ва миллий маънавиятнинг умум-миллий тараққиётнинг табиий эҳтиёжи ва амалиётга айланганлик салоҳиятини, ғоявий – мафкуравий хавфсизлик эса шахс, миллат, жамият, давлатнинг хилма-хил шаклларида намоён бўладиган ғоявий – мафкуравий тажовузлар, турли мафкуравий марказларнинг бузғунчилик таъсиридан ҳимояланганлик даражасини тавсифловчи тушунча ҳисобланади.

Ғоявий – мафкуравий хавфсизлик. Ғоявий – мафкуравий хавфсизлик деганимизда, миллий ва ғоя миллий мафкураининг миллатни заифлаштиришга қаратилган ташқаридан кириб келувчи ҳар қандай ёвуз ғоялар ва мафкураларга нисбатан кучлилиги, миллий онг, дунёқарашни улар таъсиридан ҳимоя қилиши ва миллий манфаатларни тараннум этишда ҳамда унинг амалиётда намоён бўлишини таъминлай билишдаги катта салоҳияти назарда тутилади. Бунга эришиш ҳам юксак даражада ривожланган маънавиятга боғлиқ ҳолда кечади.

Қайсики, миллий – маънавий хавфсизлик миллиф хавфсизлик маҳанизмини занжирдаги халқларнинг харакатига келишини таъминловчи асосий омиллардан бири бўлса, ғоявий - мафкуравий хавфсизлик эса ушбу омилни амалга ошириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Ғоявий – мафкуравий хавфсизликни таъминлашнинг усул ва воситалари. Миллий – маънавий, ғоявий – мафкуравий хавфсизликни таъминлаш ҳар хил мафкуравий таҳдид, хавф-хатар ва тажовузларнинг олдини олиш воситаси эканлиги қуйидагилар билан ифодаланади.

1.Миллий онг, дунёқараш, руҳият ва қалбда миллий хавфсизликни таъминлаш миллат вакилларида миллатни асраш ва ривожлантиришнинг асосий шarti эканлиги англаб етилмас экан, унга эришиб бўлмайди.

2.Миллий – маънавий қашшоқлик бўлган жамиятда сиёсий барқарорлик юзага келади.

3.Маънавияти қашшоқ миллатда ўз ватанини ҳимоя қилишга куч-қудрат етмайди. Бундай миллат вакиллари ўз ватанига хоинлик қилишдан ҳам қайтмайди. Унга ҳамма жой ватандай кўринаверади, ўз манфаатини ҳамма кадриятлардан устун қуйиб яшайдиган беватан инсонлардир.

4.Ватанни ҳар қандай ёвуз кучлардан ҳимоя қилиш, унинг чегаралари мустаҳкам бўлишига ўз ҳиссасини қушишга интилувчи инсонларда миллий маънавият кучли бўлади. Ўз ватанининг чегаралари мустаҳкамлиги, унинг хавфсизлиги таъминланганлиги ҳудди ўз оиласининг мустаҳкамлиги ва хавфсизлигини таъминлаш сиатида қарайдиган инсонларнинг маънавияти юксак бўлади. Иқтисодий хавфсизликда мамлакатнинг мавжуд ресурсларидан тежаб фойдаланиш, уларнинг талон – торож қилинишига ва чет элларга олиб чиқилишига йул қуймаслик ҳам инсонлар маънавияти билан боғлиқ. Маънавиятли инсонлар мамлакат бойлигини кўз қорачиғидай асраш, уларни ғайриқонуний йўл билан ўзлаштиришга ҳаракат қиладиган кимсаларга нисбатан нафрат туйғуларининг юзага келиши ҳам маънавият билан боғлиқдир.

5.Жамиятда миллатлараро тотувлик, диний бағркенглик, турли ижтимоий табақалар ўртасидаги муносабатлардаги дўстлик, ўзаро ҳамкорлик ва барқарорликнинг амал қилиши ҳам маънавият билан

боғлиқдир. Агар маънавият тараққий қилган бўлса, улар ўртасида ўзаро муносабатларда манфаатлар мувозанати амал қилади ва жамият барқарор ривожланиб бораверади.

6.Атроф – муҳитни тоза, ораста тутиш, мамлакат табиатини, ҳайвонот дунёсини, ўрмон ва сув захираларини асраш, об-ҳавонинг ифлосланишига йўл қўймаслик ҳам маънавият билан боғлиқдир. Маънавиятли инсонлар ана шу бойликлар нафақат бугун, шу билан бирга истиқболда ўз авлодлари учун ҳам зарурлигини яхши билади ва ўз имконияти доирасида уларни асрашга ҳаракат қилади. Маънавий қашшоқ инсонлар эса бундай туйғуларга эга бўла олмайди.

7.Бугун инсонлар ва миллатлар кучли ахборот босими остида яшамоқда. Тараққий қилган мамлакатлар ўзларида мавжудбўлган юксак даражадаги ахборот воситалари орқали дунёда ўх ҳукмронлигини ўтказиш мақсадида турли бузғунчи ғоялар, ахлоқий қашшоқлик ва бўҳтонлардан иборат хабарлар,ахборотлар ва маълумотларни жаҳон афкор оммаси ўртасида тарғиб қилмоқдалар. Манна шундай шароитда уларни танлаш, инсон ва миллат манфаатларига зид бўлган жиҳатлардан огоҳ бўлиш маънавият билан боғлиқдир. Маънавияти юксак инсонлар ва миллатларгина огоҳ бўлишга ҳамда улар таъсиридан ўзларини ҳимоя қилишга қодир бўлади.

8.Бугун дунёдаги тараққий қилган мамлакатларнинг жаҳондаги турли мамлакатлардаги юксак интеллектуал салоҳиятли олимлар ва мутахассисларга барча моддий имкониятларни вужудга келтириш, техник ва технологик шарт-шароитларни яратишга ваъда бериб, уларни ўз мамлакатларига олиб кетишга муваффақ бўлмоқдалар. Улар бу фаолиятлари билан, бир томондан, ана шундай кадрларни тайёрлашга кетадиган маблағ ва вақтни тежашга эришиб, тайёр олим ва мутахассисларни қўлга киритмоқдалар; иккинчи томондан, мамлакатларни интеллектуал жиҳатдан заифлаштиришга ва охир – оқибатда ўзларига қарам қилишга интилмоқдалар. Бундай шароитда

юксак маънавиятга, ўл миллати ва Ватанини севиш руҳиятига эга бўлган инсонлар моддий бойлик эвазига ўзга мамлакатларга кетишдан ўзларини тиядилар. Бунга ҳам юксак маънавиятчиларгина амал қилиши мумкин. Маънавияти кашшоқлашган, ўзга ғоя ва мафкураларнинг алдовига учган инсонлар эса ўзгаларнинг таклифларига мойиллик билдирадилар. Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, бошқа мамлакатларга кетиб, ўзи ва ўз мамлакатига манфаатлар келтирадиган интеллектуаллари ҳам борки, бу умуммиллий тараққиёт учун аҳамиятлидир. Шу маънода қандай бўлишидан қатъи назар, ўз интеллектуаллар маънавий юксаклигини аъминлаш миллий тараққиётнинг зарурий шарти бўлиб қолмоқда.

Шундай қилиб, ғоявий – мафкуравий хавфсизликни таъминлаш жамият маънавий ҳаётида бўшлиқ пайдо бўлишининг олдини олиш, ўзининг пировард мақсадларига мос ва унга хизмат қиладиган ғоялар тизимини шакллантириш, уни мустақил мустаҳкамлаб бориш, фуқароларда мафкуравий иммунитетни ошириш орқали зоҳир бўлади.

Ўзбекистон Республикасида миллий – маънавий, ғоявий – мафкуравий хавфсизликни таъминловчи ички омил – жамиятнинг сиёсий – ижтимоий, ахлоқий ва маънавий салоҳиятидир. Бундан ташқари, мафкуравий хавфсизлик халқимизнинг асрий анъаналари, тили, дини, маънавияти ва миллий ривожланишига хизмат қилувчи умуминсоний қадриятларга асосланади. Шунингдек, давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ва уюшмалари, маданий – маърифий муассасалар томонидан амалга оширалаётган тарбиявий ишлар, маънавий – маърифий тадбирлар тизими мафкуравий хавфсизлики таъминлашнинг зарурий шартидир. Мамлакатимиз мафкуравий хавфсизлиги илмий асосланган ижтимоий сиёсатга, ҳуқуқий маданиятга, жамиятнинг маънавий етуклиги ва демократиялашувига узвий равишда амалга ошириладиган ғоявий тарбияга таянади. Жамият, давлат ва шахс мафкуравий хавфсизлигини таъминлаш – давлат сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланади





#### **4. 4. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш – мамлакат**

##### **мустақиллиги ва давлат суверенитетини мустаҳкамлаш воситаси**

Ўзбекистоннинг мустақиллигини ва давлат суверенитетини таъминловчи ахборотлар тизими. Ўзбекистоннинг давлат суверенитетини таъминловчи ахборотларни мустақиллигининг шакллари бўйича куйидагиларга ажратиш мумкин:

1) Иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи, яъни меҳнат жамоаларининг саноат, қишлоқ хўжалиги, илм-фан соҳасида эришган ютуқлари борасидаги;

2) сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи, яъни давлат ҳокимиятининг тузулиши, уларда хизмат қилувчилар сони, касб-кори, функционал вазифалари, режалаштирилаётган ишлари, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, қуролли кучларнинг таркиби, қурол – яроқлари ва бошқалар ҳақидаги;

3) маънавий мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи, яъни фуқароларга таълим – тарбия бериш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ғоявий – мафкуравий кураш йўллари ва воситалари, ўтказилиши кўзда тутилаётган маънавий – маърифий тадбирлар, уларнинг иштирокчилари тўғрисидаги маълумотлар кабиларни ўз ичига олувчи тизимларга ажратган ҳолда таснифлаш мақсадга мувофиқдир.

**Ахборот таҳдиди ва хуружи – ахборот хавфсизлигини таъминлаш кушандаси.** Ўзбек халқининг мустақиллигига, унинг давлат суверенитетига қарши ғанимларимиз томонидан сунтазам равишда ахборот – коммуникация тизимлари орқали ахборот таҳдиди ҳамда мустақил тараққиёт йўлларида эришаётган ютуқларига қарши эса ахборот хуружлари олиб борилмоқда.

Хўш, ахборот таҳдиди нима? Бу саволга адабиётларда: «ахборот таҳдиди – ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларига хавф туғдирувчи шароит ва омиллар йиғиндиси», - деган таъриф берилган бўлиб, уни бир оз такомиллаштирган ҳолда

қўйидагича таърифлаш мумкин. Демак, ахборот таҳдиди деб, шахс элат, миллат, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларига хавф туғдирувчи шароит ва омиллар ҳақида тўпланган, қайта ишлаган ҳолда манипуляция шаклида ахборот – коммуникация тизимлари орқали тарқатиладиган қўрқитиш, дўқ – пўписа қилишга асосланган атарли хабарлар йиғиндисига айтилади.

Ахборот таҳдидларини қўйидагича таснифлаш мумкин:

1. Таҳдид объектлари бўйича:

- фуқароларнинг ахборот соҳасида амалга оширилувчи конституцион ҳуқуқ ва эркинликларига таҳдидлар;

- жамият маънавий ҳаётига таҳдидлар;

- ахборот инфратузилмасига таҳдидлар;

- ахборот ресурсларига таҳдид;

2. Таҳдид манбаи бўйича:

- ташқи – табиий офатлар, техноген, сиёсий, ижтимоий омиллар, ахборот ва коммуникацион технологиялар, бошқа ташқи таъсирлар билан боғлиқ;

- ички – ҳисоблаш ва коммуникация техникасининг ишдан чиқиши, дастурий таъминотидаги хатолар билан боғлиқ;

3. Таҳдид юзага келишига кўра;

- табиий (объектив) – инсон ихтиёридан ташқари объектив табиий жараёнлар ёки табиий ҳодисаларнинг ахборот муҳитига таъсири натижасида;

- суъний (субъектив) – инсоннинг ахборот муҳитига таъсири натижасида келиб чиқади.

Суъний таҳдидлар қўйидагилар билан фарқланади:

- ихтиёрсиз (тасодифий) таҳдидлар – дастурий таъминот, ходимларнинг хатолари, ҳисоблаш ва коммуникация техникасининг ишдан чиқиши ва ҳакозо;

- ихтиёрий (қасддан) таҳдид – ахборотлар базасига ёки маконга руҳсатсиз кириш, унинг учун таҳдид қилувчи махсус дастурий таъминотни

ишлаб чиқиш, вирусли дастурларни ишлаб чиқиш, тарқатиш ва ҳақозаларни амалга ошириши мумкин. Ихтиёрий таҳдид кишиларнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлиб, у ахборотнинг конфиденциаллиги, яхлитлиги ва кулайлигини рухсатсиз бузиш, шунингдек, ресурслардан ўз мақсадларида фойдаланишга қаратилган бўлади.

Таъсир кўрсатиш принципига кўра имкониятдан ва яширин йўллардан фойдаланган ҳолда конфеденциалликни, яхлитликни ҳамда кулайликни бузиш мақсадида амалга оширилиши мумкин.

Таъсир характерига кўра у фаол вас уст бўлади.

Таъсир этишга кўра ахборот муҳитига умумий таъсир этувчи ва унинг алоҳида элементларига таъсир этувчи таҳдидларга бўлинади.

Аниқроғи, «таҳдид» арабча сўз бўқ қилиш, қўрқитиш, пўписа; «хуруж» ҳам арабча сўз бўлиб, олға чиқиш, отланиш, сўзга чиқиш, тўсатдан хужум қилиш, деган маъноларни англатади. Шунга кўра, соддароқ қилиб айтганда, ахборот таҳдиди – бу кимларнидир қурқитишга асосланган зарарли, ўта хатарли хабарларни тарқтиб дўқ қилиш бўлса, ахборот хуружи эса ахборот таҳдиди соҳибларининг ахборот воситалари орқали тўсатдан хужум уюштиришлари ҳисобланади. Умуман олганда «ахборот хуружи» тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин. Ахборот хуружи бу ўзбек халқининг ички ва ташқи ғнимлари томонидан атайин тўсатдан унинг ижтимоий – иқтисодий, сиёсий – ҳуқуқий, маънавий маданий ҳаётида юз бераётган ижобий ўзгаришлар, ислоҳотлар натижасида эришилган марралар, баъзида йўл қуйилган хато ва кмчиликлар ҳақида ахборот – коомуникациялари, интернет ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали ишончсиз, ёлғон, ўсатдан қилаётган хужумдир. Шундай ўта бемаъни ахборотларнинг олдини олиш учун ҳам ахборот хавфсизлигини таъминлаш зарур. Демак, ўзбек халқининг қўлга киритган мустақиллигини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ўрни беқиёсдир.

**Ахборот хавфсизлиги тушунчаси ва уни моҳияти.** ХХІ асрга келиб бу тушунчанинг мазмуни ўзгача маъно касб эта бошлади. Унинг бугунги кундаги ўрни ҳақида И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Хавфсизлик - узлуксиз ҳолатлар, хадсиз – худудсиздир. Ҳар бир минтақада хавфсизликни таъминлаш муаммолари муайян моҳиятга эга. Ҳар бир минтақанинг ўз хусусиятлари, ўз таҳдид манбалари ва хавфсизликни сақлаш омиллари бор».

Юқорида келтирилган «ахборот» ва «хавфсизлик» тушунчаларининг қисқача фалсафий таҳлилларидан келиб чиққан ҳолда «ахборот хавфсизлиги» тушунчасига кўйидагича фалсафий таъриф бериш мумкин.

Ахборот хавфсизлиги – бу, муайян шахс, оила, ижтимоий гуруҳ, меҳнат ва хизмат жамоаси, давлат ва жамиятнинг ижтимоий – иқтисодий, сиёсий – ҳуқуқий, маънавий – маданий омиллар асосида хавф-хатарсиз тарзда нормал фаолият олиб боришлари учун зарур бўлган информацияларни ўрнатилган тартибда сақлаш ва етказиб бериш тизимидир.

**Ўзбекистон давлатининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими.** Бунга:

1)Ўзбекистоннинг бевосита мустақиллигини сақлашга қаратилган, яъни ўзбекларнинг тарихий макон ва замондаги ўрнини инкор қилувчи ёки бу ҳақдаги тарихий далилларни сохталаштириб, уларни бузиб жаҳон афкор оммасига етказишга уринувчи сохта информациялар оқимидан ҳимояланишни ўз ичига олувчи ҳаққоний маълумотлар тизимини мунтазам равишда ишга солиш;

2)глобаллашув шароитида Ўзбекистоннинг иқтисодиёт соҳасидаги эришаётган ютуқларига раҳна солувчи ҳар хил инфорацион хуружларнинг олдини олиш ва уларга ишончли маълумотлар орқали қақшатқич зарба бериш, яъни бугунги кундаги жаҳон – молиявий инқирози шароитида мамлакатимизда юз бераётган иқтисодий барқарорлик, қолаверса, иқтисодий ўсишнинг саабларини тушунтириб беришни таъминлаш, уларни сохталаштириб ёки энг ривожланган

мамлакатлар билан қиёслаш орқали «Ўзбек модели» ва унинг мантиқий давоми бўлган «Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг» обрўини тушришга интилаётган ғанимларга қарши информацион ҳужумни уюштириш;

3) Ўзбекистоннинг сиёсий тизимини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга, яъни мамлакатимизнинг сиёсий – ҳуқуқий ҳаётини либераллаштиришга, Ўзбекистонда «демократия» йўқ деб, бутун дунёга жар солаётган «сиёсатчи» ларнинг ғоявий хуружлари ва амалий хатти – ҳаракатларининг олдини олиш ва уларни бадном этиш;

4) Ўзбекистонда яшовчи аҳолининг 32% ини ташкил этувчи ёшларни мустақиллик ғояси руҳида тарбиялаш, уларнинг онгига миллий мафқуранинг бош ва асосий ғояларини сингдиришга қаратилган, яъни ёшларни маънвиятини юксалтириш, ҳар хил мафқуравий хуружларга қарши иммунитетни шакллантириш, «оммавий маданият» унсурлари орқали кўзга кўринмас даражада ўтказилаётган таъсирлар доирасига тушиб қолмаслик учун олиб борилаётган ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш ишларини киритиш мумкин.

Ахборот хавфсизлигининг юқорида баён қилинган тизими фуқароларнинг ахборот эркинлигини чекламайди, балки уларнинг бу соҳдаги конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишга хизмат қилади. И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқий ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади».

Ахборот ва инъикос жараёнининг диалектик алоқадорлиги масаласидаги яна бир жиҳат бу ахборотларга инъикос эттирилган маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш муаммосидир. Бу хусусда И.А.Каримов: «Айни пайтда жаҳон миқиёсида ахборотлаштириш

жараёнлари тобора глобаллашув, бу борадаги рақобат кучайиб бораётган. Ахборот наинки товар, балки кучли мафкуравий қуролга айланаётган ҳозирги шиддатли замонда ҳаётнинг ўзи, Ўзбекистон миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, бу йўналишда янги – янги вазифаларни олдимизга кескин қилиб қўймоқда», - деган эди.

Шу тариқа ахборот хавфсизлигини таъминлаш – бу, ғанимларимиз томонидан мамлакатимизга нисбатан қилинаётган ахборот хуружларининг олдини олиш ҳамда уларга нисбатан миллий ахборот воситаларимиз орқали қарши қақшатқич зарба ериш демакдир.

Зеро, ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласи мамлакат мустақиллиги ва давлат скверенитетини мустаҳкамлаш воситаси экан, унинг аҳамиятини биринчи навбатда ёшлар орасида тушунтириш, амалиётда қўллаш сирларини ўргатиш борасида мутасаддилар қўйидаги ишларни бажармоқлари шарт.

Булар қўйидаги:

- интернет тармоғидан мактабда ва уйда фойдаланиш қоидалари рўйхатини тузи шва унга риоя қилишни талаб этиш;

- интернет тармоғига уланадиган компьютернинг умумий хонада бўлишини таъминлаш;

- ёшлар билан уларнинг интернетдаги дўстлари ҳақида суҳбат қилиш, улар ким эканлиги ҳақида доимий маълумотга эга бўлиш;

- керак бўлмаган контентга блок қўйинг;

- ёшларни электрон почтада шахсий, яъни хусусий маълумотларни киритмасликка, номаълум хатларга жавоб ёзмастикка ўргатиш;

- интернатдан келиши мумкин бўлган дағдаға ёки қўрқитиш ҳақида маълумот бериб боришга ўргатиш;

- фойдаланиладиган сайтлар ҳақида маълумотга эга бўлиш;

- тармоқларда безорилик қилмаслик ёки бошқа инсонларни қўрқитиш учун ишлатмаслик лозим эканлигини тушунтириб бориш кабилардан иборат.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш зарур:

1. Ахборот хавфсизлигига тааллуқли педагогик шартларни муваффақиятли амалга ошириш, яъни компьютер хоналарида хавфсизлик ҳудудини ташкил этиш; компьютер хоналарининг ишлаш тартибини тасдиқлаш; Интернет билан ишлашда ўқувчиларга ахборот хавфсизлиги ва уни амалга ошириш бўйича йўл-йўриқлар кўрсатиш.

2. Фуқароларга ахборот хавфсизлиги ҳамда таҳдидлар ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш ва уни бартараф этишни таъминлаш учун таълим-тарбия жараёнини ахборот маданияти, этика, инсонпарварлик ғояларига йўналтириш.

3. Интернет ахборот ресурсларидан олинаётган таълимга таалуқли маълумотларни филтрлар орқали олиш, Интернетга қўшилган компьютерларда филтр дастурлари ўрнатилган бўлиши шарт. Ана шу ишлар бажарилса, мамлакатимизда ахборот хавфсизлиги таъминланади.

Хулоса қилиб айтганда, И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Хавфсиз дунё умуман, бутун инсоният учун ҳам, ҳуқуқлари учун курашда озмунча найзаси синмаган ҳар бир инсон учун ҳам олий мақсаддир».

#### 4. 5. Мафкуравий иммунитет, уни шакллантиришнинг усул ва воситалари

Иммунитет тушинчаси. «Иммунитет» сўзи лотинча «immunitas. Immunitatus-кутилиш,халос,холи бўлиш» деган сўзлардан олинган бўлиб, тиббиёт илимида «организмнинг ўзидан ирсий жихатдан ёт хусусиятлари билан фарқ қиладиган, унинг бутунлигига ва биологик ўзига хослигига зарар етказадиган микроорганизмлер (касаллик кўзғатувчилар), захарли моддалар ва бошқалардан химояланиш реакцияси»,-деган маънони англатиш учун қўлланилади.

Биологик нуқтаи назаридан иммунитетни иккига:

- 1) туғма, яъни одам конига тайёр туғма антителолар бор бўлган, ота-онадан наслга ўтадиган иммунитетга;
- 2) ҳосил қилинган, одам юқумли касаллик билан касалланганидан кейин ҳосил бўлган иммунитетга ажратишади.

Бунда туғма ёки касалликдан кейин ҳосил этилган иммунитет табиий, одамни бирон-бир юқумли касалликдан химоя қилиш учун эмлаш орқали ҳосил қилинган иммунитет сунъий иммунитет деб аталади.

Иммунитет масаласини жамиятнинг мафкуравия соҳасига татбиқ қиладиган бўлсак мафкуравий иммунитетлар турига киради.

Хўш, мафкуравий иммунитет нима? Бу саволга фалсафа илмига оид адабиётларда: «Мафкуравия иммунитет – шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятни турли зарарли ғоявий таъсирлардан химоялашга хизмат қилувчи тизим», «Мафкуравия иммунитет марифий, сиёсий, иқтисодий билимларни оддийгина қабул қилиб олишни эмас, балки уларни онгли равишда тушиниб етишни, бу билимлардан замонавий ижтимоий воқеаларга мафкуравий курашлар воқеогидан келиб чиқиб, муносабат билдириш кўникмаларини шакллантириш, айрим носоғлом ғояларга жавоб бериш, уни қабул қилмаслик ҳолатдир», «Мафкуравий иммунитет аслида давлат ва миллатнинг маънавий бирлиги бўлиб, уларнинг маънавий сағломлигини химоя қилувчи ғоявий қалқон вазифасини бажарди», «Мафкуравий



иммунитет – шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятни турли зарарли ғоявий-назарий қарашлар ва қадриятлар тизимидадир», Мафкуравий иммунитет – маълум бир шах сёки ижтимоий гуруҳда ўзига хос бўлган қаътий, барқарор, соғлом мафкуравий қарашнинг шакилланганлиги, маълум мафкура тамойилларини улар томонидан ўз ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва яшаш тарзи мезонига айлантирилганлигидир,-деган таърифлар берилган. Ушбу таърифларнинг барчасини умумлаштирилган ҳолда мафкуравий иммунитет – бу шахс, ижтимоий гуруҳ, элат, миллат ва халқларнинг тинч яшашлари учун ўзларини ҳар хил зарарли ғоя ва мафкуралардан ҳимоя қилиш борасида эгалланган билимлари, улар замирида шакилланган баҳолар, қадриятлар ҳамда кўзланган мақсадларни аиқ ифодалаб мафкуравий дахлсизлигини таъминловчи ғоявий-назарий қарашлар тизимидир. Мафкуравий иммунитетининг туб моҳиятини кишиларнинг ўзини ўзи асраши учун ҳар хил зарарли, бузғунчи ғоялардан ҳимояланиш қобилиятининг қандай даражада эканлиги билан ифодаланади ва белгиланади.

Мафкуравия иммунитет куйдаги хусусиятларга эга:

1. Одамдаги табиий иммунитет туғма бўлса, унинг мафкуравий иммунитетини туғма эмас, балки ҳаёти давомида унинг онгига таъсир этувчи воситалар орқали шакиллантириб бориладиган иммунитетдир.
2. Мафкуравия иммунитет доимий ва абадий эмас, балки ўзгарувчан, яъни ҳар бир авлод учун ўзига хос бўлган иммунитетлар тизими мавжуд бўлиб, у даврлар ўзгариши билан ўзгариб турган ва шундай бўлаверади.
3. Мафкуравий иммунитет тизими шакиллангандагина шахс,элат,миллат,халқнинг мафкуравий дахлсизлиги таъминланиб борилади. Бошқача қилиб айтганда, шакилланган мафкуравий иммунитет халқнинг мафкуравий дахлсизлигини таъминловчи восита ҳисобланади.

Мафкуравий иммунитетнинг яна бир элементи, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий мақсадлар тизими билан ажралмаслигидадир. Чунки мақсад – фаолиятининг фикран

шакиллантирилган даражасидир, мақсад бевосита омил сифатида инсон хатти-ҳаракатини йўналтиради ва тартибга солади. Мақсад пайдо бўлгач, фаолият ҳам самарали кеча бошлайди. Демак мақсад аниқ бўлса мафкуравий иммунитет ҳам самарали таъсир кўрсатиш қобилиятига эга бўлади.

Ушбу элементлар биргаликда ишга туширилмас экан мафкуравий иммунитет синдирилиши ва у асосда ғоявий бўшлиқ ҳосил қилиниб, унинг ўрнига бошқа ёт ғояларнинг кириб келишига йўл очиш мумкин. Буни эрампдан олдинги VI асрда яшаб ўтган файласуф ва ҳарбий кўмондон Сунн Цзынинг куйдаги фикрларида кўриш мумкин.

- 1.Сиз рақиб мамлакатлардаги барча чхши нарсаларни бузинг, айтинг;
- 2.Рақиб давлатдаги атоқли арбобларни шерик қилиб олиб, жиняотга бошланг;
- 3.Рақиб давлат раҳбариятининг обрўсини тўкинг, қулай пайтда уларнинг жамоат олдида шармандасини чиқаринг;
- 4.Бу ишда ўша мамлакатдаги энг паст, мараз одамлар билан шериклик қилинг;
- 5.Рақиб мамлакат одамлари орасида келишмовчилик, жанжал чиқринг;
- 6.Ёшларни кексаларга қарши гиж-гижланг;
- 7.Ҳукуматни яхши иш юритишга ҳар қандай йўл билан қаршилик кўрсатинг;
- 8.Рақиб кўшинларнинг таъминоти, тартибига тўсиқлар қўйинг, бузинг;
- 9.Аскарларни кўшик ва куйга ошуфта қилиб, иродасиз қилинг;
- 10.Душманингизнинг анъаналарини қадрсизлантиринг, худоларига ишончини сингдиринг;
- 11.Бузуқ аёлларни юбориб, уларни янада кучлироқ айнитинг;
- 12.Рақиб томон ҳақида маълумот олишга, бу ишда улар орасидан шериклар топишга, уларга пул тўлашда жуда сахий бўлинг;
- 13.Умуман пулни ҳам, ваъдаларни ҳам аяманг, чунки улар ажайиб натижаларни беради.

Китобхонлик – мафкуравий иммунитет тизимини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий воситаси. Глобаллашув шароитида жаҳон миқёсида бўлаётган ижобий ва салбий ўзгаришлар мамлакатимизда яшовчи халқларнинг мафкуравий иммунитетини биртизим шаклида шакллантириш ва уларнинг ҳаётий бардошлилик қобилиятларини ошириш орқали ўзлигини сақлаб қолиш ва ривожлантириш масаласини кўймоқда.

Мамлакатимизда мафкуравий иммунитет тизимининг объектини 33 миллионга яқин ўзбек халқи, унинг субъектини эса ана шу халқ вакиллари томонидан мафкуравий билим, ҳис – туйғу, ирода, кўникма, малакага эга бўлган шахслар, ижтимоий гуруҳлар ташкил этади. Шу тариқа ўзбек халқи мавжуд реал макон ва замонда бир томондан мафкуравий иммунитет тизимининг объекти, айни вақтда ўзига хос бўлган билим, кўникма, ирода, малакаларига қараб субъекти ҳисобланади. Мафкуравий иммунитет тизимини шакллантириш ва ривожлантириш воситалари жуда кўп бўлиб, шулар ичида китобхонлик алоҳида ажралиб туради. Бу хусусда мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев: «Инсон маънавий олами бойтишда улкан таъсига эга бўлган китоб ҳақида сўз очилган экан, шу билан боғлиқ муҳим бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Яъни, бугунги кунда жамиятимизда китобхонлик даражаси қандай? У бизни қониқтирадимми? Ким кейинги пайтда қайси китобни ўқиди, фарзандимизга қандай китоб олиб бердик?

Афсуски, кўп ҳолларда бу саволларга ижобий жавоб беришимиз қийин.

Одамларнинг онгу тафаккури, дунёқарашини ўзгартириш, маънавий савиясини юксалтириш ҳақида кўп гапирамиз. Лекин бу борада энг оддий ва айни пайтда энг таъсирчан восита – бу китоб эмасми? Мен шунга аминман – китобсиз тараққиётга, юксак маънавиятга эришиб бўлмайди. Китоб ўқимаган одамнинг ҳам, миллатнинг ҳам келажаги йўқ.

## ХУЛОСА

Ҳозирги кунда айрим давлатлар томонидан хомашё ресурсларини эгаллаш коммуникациялар устидан назорат ўрнатиш учун геоиқтисодий урушларнинг олиб борилаётганлиги халқаро терроризм ва экстремизм экспансиясининг фаоллашуви миллатлар ва конфессиялараро можароларнинг кучаётганлиги ғоявий-мафкуравий курашнинг янги паллага кирганлигини кўрсатмоқда. Зеро шундай экан жаҳонда кечаётган ғоявий-мафкуравий кураш майдонида ўзбек халқининг ғоявий-мафкуравий рақобатбар-дошлигини таъминлаш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшадиган мутахассисларнинг янги авлодини тарбиялаб вояга етказиш ўзининг долзарблигича қолаверади.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 28 июлда қабул қилинган «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш туғрисида»и қарориди: мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, давлат дастурларининг мазмун ва моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказиш; кенг жамоатчилик, олимлар, мутахассислар, ижодкор зиёлилардан иборат «Маърифат» тарғиботчилари жамиятини шакиллантириш ҳамда унинг фаолиятини доимий асосда йўлга қўйиш; дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чуқур ёритиб бориш, терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, «оммавий маданият», нарқобизнес ва бошқа таҳдидларга қаршисамарали ғоявий кураш олиб бориш; жамиятимизнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилаётган ички таҳдидлар – эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллачилик, уруғ-аймоқчилик, оилавий қадриятлар ва ёшлаар тарбиясига эътиборсизлик каби ҳолатларга барҳам беришга қаратилган комплекс тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; миллий ғояни юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар, ижтимоий тоифа вакиллари ўртасида кең тарғиб

этиш, бунёдкорлик руҳини ялпи ижтимоий ҳаракатга айлантириш, эртанги кунга ишонч туйғуларини кучайтириш...» каби бир қатор ўта муҳим вазифаларни бажариш зарурлиги кўрсатиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинаётган барча қарор ва фармонлар қанчалик даражада ўз вақтида ижро этилса, эрксевар, меҳнаткаш халқимиз жамият ҳаётининг барча соҳаларида улкан ютуқларни қўлга киритади ва шунчалик даражада стратегик жиҳатдан ўзининг жаҳон ҳамжамиятини олдида ғоявий-мафкуравий дахлсизлигини таъминлашга қодир бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев айтганидек: «Ҳеч қачон унутмайлик, гўзал ва бетакрор Ўзбекистон барчамизники экан, унинг тағдири ва келажаги учун барчамиз маъсулмиз. Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган улуғ аجدодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз ҳам, албатта, бўлади»

Бунда ўзбек халқининг миллий ғоя ва мафкураси – жамиятимизда ўрнатилган тинчлик, ҳамкорлик ва барқарор тараққиётининг стратегияси бўлиб хизмат қилади.

## Foydalanilgan adabiyotlar

1. Karimov I.A. O`zbekiston o`z istiqlol va taraqqiyot yo`li. 1-jild. T. O`zbekiston, 1996
2. Karimov I.A. Biz tanglagan yo`l demokratik taraqqiyot yo`lidir. 11-jild. T.O`zbekiston, 2013
3. Karimov I.A. O`zbek xalqi hech qachon, hech kimga qaram bo`lmaydi. 13-jild. T.O`zbekiston, 2005
4. Karimov I.A. Inson, uning huquq va erkinliklari oliy qadriyatlar 14-jild. T.O`zbekiston, 2006
5. Karimov I.A. «Mamlakatimizning taraqqiyoti va xalqimizning hayot darajasini yuksaltirish - barcha demokratik yangilanish va iktisodiy islohatlarimizning pirovrat maqsadlari» T. O`zbekiston, 2007
6. Karimov I.A. «Yuksak ma`naviyat - engilmas kuch» T.Ma`naviyat, 2008
7. Juzjoniy A. Islam huquqshunoslik hikayat mazhabi va Markaziy Osiyo fikirlari. T.Islam universiteti nashriyoti. 2002 2001
8. Karimov I.A. Adolat Vatan xalq manfaati har narsadan ulug`. T.1998
9. Karimov I.A. Milliy istiqlol mafkurasi-xalq etixodi buyuk kelajakka ishonchidir. 9-jild. T.2002
10. Robert Dal`. O demokratiya. M.2000
11. Juraev S. Demokratiya deganda nimani tushunamiz. T.1999
12. Djon Lokk «Опыт 6 chelovecheskom razume» M.1960
13. Sh.L.Montesk`e. «O duxe zakonov» M.1955.
14. Karimov I.A. O`zbekiston buyuk kelajak sari. T.O`zbekiston, 1996
15. Baejinskiy Z. Выбор: mirovoe gospodstvo ili global`noe liderstvo. – M.: Mejdunarodnye otnosheniya. 1997.
16. Viktor Alimov. Ochiq jamiyat muholiflari. Tafakkur jurnali.
17. Karimov I.A. Yangi uy qurmay turib eskisini buzmay. 1-jild. 1996
18. V.Lisichkin, L.Shelepin. Tret`ya mirovaya informatsionno-psixologicheskaya voyna. – M.1999.

19. Sh.Jabbarov. Ma`naviyatimizning falsafiy qirralari. T.Marifat, 1996
20. Imamnazarov M. Milliy ma`naviyatimizning as
21. Bazarbaev J. «Ruwxiyatimiz marjanlari» N. «Bilim» 2008.
22. Bazarbaev J. «Milliy ideya biziń ideyamız». Nókis «Bilim» 2003
23. Bazarbaev J. «Milliy ideya jol kórsetiwshi juldız» Nókis. Qaraqalpaqstan 2011.
24. Bazarbaev J. Ruwxılıqtıń ádep-ikramlılıq tiykarları Nókis. NMPİ 2015
25. Bazarbaev J. Ruwxiyat tiykarları Nókis. Ilim 2016